Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 18 (929) • 2013-yil, 3-may, juma




# Андижоннинг хуш кунлари

**Эътироф**

Яхши гапнинг қаноти бор, дейишади. Азалдан шундай. Бугун, ахборот асрида эса бу ҳикмат янада янгича мазмун ва моҳият касб этгандай. Ахир дунёнинг у чеккасида "тиқ" этган воқеа бўлса, шу сониянинг ўзида дунёнинг бу чеккасидаги одам воқеадан воқиф бўлади, сергак тортади, муносабатини билдиради; яхшилик бўлса, шукрона айтади; мужда бўлса, яқинлари билан ўртоқлашишга шошади.

Албатта, ҳаммамиз ҳам давлатимиз раҳбарининг халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқини жон қулоғимиз билан, дилимиз яйраб, кўнглимиз ёришиб тингладик.

Мана, сессия ўтганига неча кунлар бўлди, аммо ҳаяжонга тушган вилоят аҳли ҳамон бир-бирига анжумандаги сўзларни айтиб, содда тил билан айтганда, "суюнчи олиб" чарчамайди. Сессияда Президентимиз нафақат Андижон вилояти, балки бутун Фарғона водийсининг яқин ва узоқ истиқболдаги тараққиёти, халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш билан боғлиқ муҳим масалаларни ўртага ташлади.

**Буларнинг бири лойиҳа қиймати 1 миллиард доллар, қуввати 900 мегавольт бўлган Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясини барпо этиш кўзда тутилаётганидир.**

Ана ундан кейин юртимиз аҳолисининг учдан бир қисми истиқомат қиладиган "Олтин водий"нинг электр энергияга бўлган талаби бутунлай қондирилади. Саноат корхоналари, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо тармоқлари, ижтимоий соҳа, аҳоли турар-жойларида инфратузилма янада ривожланади. Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг турмуш даражаси янада юксалади.

Яна бир муҳим лойиҳа ҳақида гапирмасликнинг иложи йўқ.

**Водий халқининг кўп йиллик орзу-армонлари ушаладиган бўлди. Яъни бор-йўғи уч йилдан кейин эса Ангрендан ўзимизнинг Попга электр поезд қатнайдиган бўлади!**

Йўқ, эски йўлдан эмас, Қамчиқ довонидан ўтадиган мутлақо янги темир излардан! Ҳа, инсон шижоати мўъжизалар яратишга қодир, деганлари шу бўлса керак!

Темир йўл атрофида инфратузилма, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланади, йўловчи ва юк ташиш сифати ҳамда ҳажми кескин ортади, хавфсизлик даражаси кучаяди. Ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам водийликлар мамлакатимизнинг истаган жойига темир йўл орқали бориш имкониятига эга бўлади.

2 ➤

# Ҳуқуқ амалиётида ноёб тажриба

**Концепция: устувор вазифалар**

Мамлакатимиз парламенти давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қоидаларини амалга оширган ҳолда, ўз қонун ижодкорлиги фаолиятининг услублари ва сифатини тобора такомиллаштирмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ташаббуси бўлмиш миллий ҳуқуқий амалиёт учун янги услуб — ҳуқуқий тажриба ўтказишни жорий этиш таклифи Юртбошимиз томонидан қўллаб-қувватлангани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу борада давлатимиз раҳбарининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ишлаб чиқилган лойиҳасини такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий тажриба ўтказиш тартиби ҳамда шартларини белгилаб берган Фармойиши очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришда Ўзбекистоннинг изчил, тадрижий ва барқарор ривожланишини, аҳолининг турмуш шароити янада яхшиланишини таъминлаш, мамлакатимизнинг жаҳоннинг ривожланган демократик давлатлари қаторидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш имконини беради.

2-3 ➤

# Бухорода ҳам «Адолат»чилар ғолиб

Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухородан хушхабар олдик!

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг халқ депутатлари вилоят Кенгашларидаги депутатлари сони яна биттага кўпайди.

Жорий йилнинг 28 апрелида 20-«Вобкент» сайлов округи бўйича халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг бўшаб қолган ўрнига ўтказилган сайлов якунларига асосан, Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят Кенгаши томонидан кўрсатилган номзод Мақсуд Ҳамидов 87 фоиз овоз билан депутат этиб сайланди.

Эндиликда халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашида «Адолат» СДПнинг бешта вакили социал-демократларнинг ҳаётбахш ғояси асосида фаолият юритадиган бўлди.

Ишонамизки, янги сайланган депутатимиз ҳам «Адолат» СДП ғояларини ҳаётга татбиқ этишда, сайловчилар ишончини қозониш йўлида ўз билим-салоҳиятини сафарбар қилади.



# Йўл ҳаракати хавфсизлиги:

## қонун ва масъулият

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларга қараганда, йўлларда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида дунё бўйича 2010 йилда бир миллион икки юз қирқ минг одам ҳалок бўлган бўлса, бу кўрсаткич, агар унга қарши қўшимча чора-тадбирлар белгиланмаса, 2020 йилга бориб бир миллион тўққиз юз минг кишини ташкил этиши мумкин.

3 ➤

# Мурожаатлар бесамар кетмаяпти

**Депутат аралашувидан сўнг**

Миробод туманида истиқомат қилувчи нафақадаги фуқаролар Т.Мочалова («Янги замон» кўчаси 84-60) ва С.Подгорнова («Манжара» кўчаси 10-7) ўзлари истиқомат қилаётган уйларининг таъмирга муҳтож ҳолга келиб қолганлиги боис амалий ёрдам сўраб мурожаат қилишди. Хайрия асосида ҳомийларни жалб этган ҳолда мурожаат эгаларининг уйлари бир неча ҳафта ичида таъмирланиб, бутунлай янги кўринишга келтирилди.

4 ➤






Зулайҳо БОЙХОНОВА:

# "Адолат"ни бежиз танламадим"

8 ➤

# Муқобил энергия

## тўкин ва фаровон ҳаёт манбаи

**Тадбир**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси «Адолат» СДП фракцияси билан ҳамкорликда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг мажлислар залида «Муқобил энергия манбалари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг муҳим масалалари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.



5 ➤

# Андижоннинг хуш кунлари

Давоми. Боши 1-бетда

2016 йилда ишга туширилиши режалаштирилаётган 125 километрли мазкур темир йўл Ўзбекистоннинг барча ҳудудларини қамраб оладиган ягона темир йўл тармоғи барпо этилиши билан ҳам улкан аҳамиятга эгадир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бу нафақат иқтисодий-ижтимоий, керак бўлса, сиёсий аҳамиятга молик стратегик лойиҳадир.

**Яқин фурсат ичида вилоятимизга яна 400 та автобус олиб келинаркан, демак энг олис қишлоқларга ҳам бемалол замонавий, юмшоқ автобусларда қатнайдиган бўламиз.**

**Шу йилнинг ўзида вилоятимизда қарийб 80 мингта янги иш ўрни ташкил этилади. Бу эса Андижондаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни шу йил битирадиган эллик мингдан ортиқ ўғил-қизларимиз биринчи навбатда иш билан таъминланади дегани-ку.**

Бугун нафақат, водийликлар балки бутун Ўзбекистон халқи бу янгиликлар келажакда иқтисодиётимизни янада юксалтиришга, аҳолининг турмуш даражасини, фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилишини чин дилдан эътироф этишаётгани бежиз эмас. Ўзингиз ўйланг, чор атрофда глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сураяпти. Дунёнинг манаман деган давлатлари ҳам йирик иқтисодий лойиҳалар уёқда турсин, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга, илм-фан, таълим, тиббиёт соҳаларига йўналтирилган маблағларни ҳам қисқартиришга мажбур бўлаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Демакки, бу фактларнинг ўзиёқ, Юртбошимиз бошчилигида ишлаб чиқилган, халқаро майдонда эътироф этилган "ўзбек модели", тараққиётнинг беш тамойили нақадар тўғри эканлигини кўрсатиб турибди.

Бундан анча йиллар аввал вилоятимизда бўлиб ўтган йиғинда нотиқлардан бири надомат билан: "Эҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодлари "Тожмаҳал"ни ўз ватанларида эмас, Ҳиндистонда қуришган-а", дегани ёдимда. Истиқлол бизга миллий ғурур-ифтихоримизни қайтарди, томирларимизда дунёга машҳур иншоотларни қурган, тафаккур оламида бемисл кашфиётлар яратган аждодларимизнинг қони уйғонди, бунёдкорлик, яратувчанликка рағбат берилди. Чин дилдан




**Суратда:** *Андижон давлат университети талабалари Шаҳноза Шукурова ва Жасурбек Абдумаликов.*

меҳнат қилиб, халқимизнинг ризқ-насибасини яратаётганлар, эл-юртнинг тинчлиги, мустақил Ватанимизнинг буюк келажагини ўйлаётганлар, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтираётганлар бугун ўз меҳнатлари, изланишлари самараларидан ҳеч бир монеликсиз баҳраманд бўлмоқдалар, мулк эгасига айланмоқдалар.

Бугун дунёнинг нигоҳи жуда қисқа вақт ичида собиқ тузум асоратларидан қутулиб, янги эркин жамият мақомида шаклланиб улгурган ҳур, аҳил-иноқ юртимизга қаратилган. Хорижлик меҳмонлар бутун мамлакат улкан қурилиш майдонига айланганига, олис мозийдан бизгача етиб келган табаррук зиёратгоҳлар таъмирланиб, янада улуғвор маҳобат касб этганига гувоҳ бўлишаётир. Бундай маҳобатни, ҳайратланарли қурилишларни Тошкент ва Бухорода, Самарқанд ва Урганчда, Термиз ва Нукусда, Қўқон ва Марғилонда, Намангану Андижонда кўриш мумкин. Мамлакатимиз қўлга киритаётган, жаҳон ҳамжамияти тан олаётган ютуқ ва марраларга эришишда вилоятимиз меҳнаткашларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Истиқлол йилларида бунёд этилган олий ва ўрта махсус билим юртлари, маданият ва санъат кошоналари, спорт-соғломлаштириш комплексларини кўрган, қишлоқ жойларида қурилаётган янги типдаги уй-жойларда истиқомат қилаётган, оддий меҳнат кишиларининг дастурхонидан туз тотган, ўз тақдирларидан рози бўлиб, шукроналар айтаётган кишиларнинг қувончига шерик бўлган, дошқозонларда қайнаётган палову сумалаклар ҳидини туйган, саккиз, ўн, ўн икки ёшида халқаро мусиқа фестивалларида ғолиб бўлаётган, шоҳмот бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритаётган болакайлару қизалоқларни кўрган ҳар қандай одамнинг ҳам меҳри товланиб кетади. Эътибор беринг, фақат сўнгги олти йил ичида спорт бўйича нуфузли халқаро мусобақаларда Андижон ёшлари орасидан 107 нафар ўқувчи, жумладан, 57 нафар қиз бола иштирок этиб, уларнинг 72 нафари совринли ўринларни қўлга киритган.

Буларнинг барчаси жамиятда ҳукм сураётган аҳиллик, тинчлик-тотувлик, янада фаровон келажакка бўлган ишончнинг меваси, албатта.

Андижон авваллари ҳам тадбиркорлик ва ишбилармонликда, меҳнат ва изланиш салоҳиятида, маданият ва санъатда, илм ва спортда ўз номига мос мавқега эга бўлиб келган, карвонбошилик қилган. Бу ерда пахтачилик ва ғаллачилик соҳасида намунали тажриба мактаблари мавжудлиги кўпчиликка аён. Эндиликда бу мактаблар ёнига андижонча бунёдкорлик, ишбилармонлик мактаблари ҳам қўшилди десак, муболаға бўлмайди.

Сўнгги йилларда вилоятимиз аҳолисининг даромадлари муттасил ошиб бораётганини, қурилиш майдонларида меҳнат симфонияси асло сусаймаётганини эътиборга олсак, бунёдкорлик ва яратувчанлик жараёни бу ерда бундан буён ҳам давом этишига, Андижонимиз шуҳрати янада кенг қулоч ёйишига қатъий ишонч ҳосил қиламиз. Албатта, бу бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси аъзолари, хайрихоҳлари ва барча даражадаги депутатлари ҳам четда турмасликларига, ҳудудларни ривожлантиришга қаратилган дастурлар ижросида ташаббускорлик кўрсатишларига ишонаман.

**Алишер ШОДМОНОВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Андижон вилоят Кенгаши
раиси

# Воқеликка айланар орзу

Инсон меҳнати, шижоати, ғайрати, фидойилиги баъзида дастлаб афсонадай туюлган орзуни ҳақиқатга айлантирар экан.

Қаранг, мустақиллик йилларида пойтахтимиз билан водийни боғлайдиган Қамчиқ довон йўли ишга тушди. Авваллари ёмғир бир "шир" этса ёки қоронғи тушиши билан ҳаракат тақа-тақ тўхтайдиган йўлда энди туну кун, деярли ҳар қандай об-ҳаво шароитида автомобиллар тинмайди. Шундай бўлиши ҳам табиий-да. Ахир ҳазил гапми, водий вилоятларида 10 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди.

*Ҳаммамиз яхши биламиз, бир неча йиллар бўлиб қолди, юртимизнинг сўлим гўшаси Фарғонадан Тошкент томонларга поездда бориш биз учун орзу, ҳатто сира ушалмасдай туюладиган армонга айланиб бораётган эди. Балки шу сабаблидир, мисол учун, Тошкент-Самарқанд тезюрар "Афросиёб" поезди ҳақида ҳавас билан ўқидик, уни телевизорда қайта-қайта томоша қилдик, сўнг бунгаям қаноат ҳосил қилмасдан, атай бориб, ўз кўзимиз билан кўрдик, айнан шу поездда кўҳна шаҳарга саёҳатгаям бориб қайтдик.*

*Поезд барибир бошқача-да...*

*Буни қарангки, бизнинг кўнглимиздаги орзуларимиздан, армонларимиздан бохабар экан, куни кеча Юртбошимиз халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида айнан шу масалани гапириб қолса денг! Бениҳоя ҳаяжонланиб кетдим. Давлатимиз раҳбарининг сўзларига эътибор беринг-а, уларни эшитиб туриб ҳаяжонланмай бўладими: "Шу борада биз кўпдан буён ўйлаб юрган, бугунги кунга келиб рўёбга чиқариш имкони пайдо бўлган яна бир муҳим режамиз ҳақида сизларга ахборот бермоқчиман. У ҳам бўлса, Ангрен-Поп йўналишида умумий узунлиги қарийб 125 километр бўлган электрлаштирилган темир йўл қуриш лойиҳасини амалга оширмоқчимиз".*

*Демак, Президентимиз ва ҳукуматимиз бу муаммони кўпдан бери ҳисобга олиб юришган, таҳлил этишган, хомчўт қилишган ва ниҳоят мана шундай асосланган қарорга келишган.*

*Ҳа, биз афсоналар ҳақиқатга айланаётган кунларда яшамоқдамиз. 2016 йилга келиб яна бир афсона воқеликка айланади, яъни "Олтин водий"дан пойтахтимиз биқинига қадар поездда борадиган бўламиз.*

*Халқ учун, оддий меҳнаткаш учун бундан ортиқ ғамхўрлик бўлмас!*

**Мухторжон БОБОХОЖИЕВ,**
фермер, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби

# Ҳуқуқ



**Собир ТУРСУНОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси раҳбари

Давоми. Боши 1-бетда

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш давомида халқаро стандартларга жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилган ва у Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган сўз эркинлиги ҳамда фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 30-моддасида барча давлат органлари ва мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги белгиланган. Бу қоида ва принциплар қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Мамлакатимизда ахборот соҳасини жадал ва эркин ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник шароитлар яратилган. Демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштирокини кучайтиришга ахборот эркинлигини таъминламасдан эришиб бўлмайди. Ахборот соҳасини демократия асосида ривожлантириш Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да ушбу соҳани янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштириш мақсадида миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси илгари сурилган. Янги қонунда жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида хабардор қилиш процедураси белгиланган, аҳоли, жамоат бирлашмаларининг улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларига тааллуқли қарорлари тўғрисидаги ахборотдан янада кенг фойдаланишини таъминлаш кўзда тутилган. Ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши ижро ҳокимияти органларининг бу қарорлар сифати учун жавобгарлигини оширишга, жамиятимизда фикрлар хилма-хиллигини, сўз ва сайлов эркинлигини кенгайтиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда ривожланган демократик давлатлар тажрибаси ўрганиб чиқилди, ахборот ҳуқуқи соҳасида фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар тавсиялари инобатга олинди. Ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси, хусусан, хорижлик экспертлар иштирокида кенг муҳокама этилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудида ўтказилган қиркдан ортиқ конференция, семинар ва давра суҳбатлари якунлари бўйича мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштиришга оид юзга яқин таклифлар умумлаштирилди.

Президентимизнинг мазкур қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажриба ўтказишга оид Фармойишининг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг янги ҳуқуқий амалиётида ноёб тажриба бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳасида амалга оширилаётган демократик туб ўзгаришларнинг мантиқий давомидир. У қонун лойиҳаси нормаларини янада такомиллаштириш, демократик принципларга асосланган янги ҳуқуқий ҳужжатларни синовдан ўтказиш услубини қонун ижодкорлиги фаолиятига кенг жорий этиш учун қўшимча имкониятлар очиб беради. Шуниси эътиборлики, мазкур услуб сўз ва ахборот эркинлиги, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасида илк бор қўлланилмоқда. Бу, шубҳасиз, фуқароларнинг ахборот олиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни кенгайтиришга хизмат қилади.

Ҳуқуқ амалиётига жорий

# Маҳалла ваколатлари

## Концепция: устувор вазифалар

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш масаласига алоҳида аҳамият қаратилган эди.



Бу вазифани ҳал қилишда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқлиги, бунда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланганлиги барчамизга маълум.

Юртбошимизнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти сифатида берган таклифлари асосида ишлаб чиқилган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун 2013 йилнинг 23 апрелида матбуотда эълон қилиниб, ушбу қонуннинг янги таҳрирлари кучга кирди. Қонунда қуйидаги асосий нормалар ўз аксини топди:

*Биринчидан*, илмий жамоатчилик томонидан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини амалга оширишни ташкил қилувчи раҳбарий ғоялар йиғиндиси сифатида эътироф этиладиган ушбу органлар фаолиятининг асосий принциплари қатори янада кенгайтирилиб, қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги ва ижтимоий шериклик каби принциплари ифодаланди. Ушбу принциплар ўз навбатида, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорликка киришишда муҳим аҳамият касб этади.

*Иккинчидан*, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳудудий бирликлари эканлиги мустаҳкамланди. Ушбу қонуннинг аввалги таҳририда шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳудудлари сифатида эътироф этилган эди. Янги таҳрирдаги мазкур қонунда эса бу масалалар янада аниқлаштирилиб, айнан қайси маҳаллалар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудий бирликлари сифатида эътироф этилиши лозимлиги аниқлаштирилди.

*Учинчидан*, қонуннинг 9-моддасига биноан, фуқаролар йиғини аҳоли манфаатларини ифодалаши ва унинг номидан тегишли ҳудуд доирасида амал қиладиган қарорлар қабул қилиши ифодаланиб, унда ўн саккиз ёшга тўлган ва тегишли ҳудудда доимий яшаётган шахслар қатнашиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, мазкур модда билан фуқаролар йиғини органлари сифатида фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда тафтиш комиссияси ҳисобланиши эътироф этилди.

*Тўртинчидан*, ушбу қонун билан шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини, шаҳарчадаги, қишлоқдаги ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини, фуқаролар йиғини кенгаши ҳамда фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ваколат доиралари янада кенгайтирилди. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, никоҳ тўйларини ўтказишга кўмаклашиш, уйда ўтирган, ҳеч қаерда ишламайдиган оналарга, шунингдек, бюджет ташкилотларида ишлайдиган икки ёшгача фарзанди бор оналарга ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нафақа тайинлаш ва тўлаш кабилар шулар жумласидандир.

*Бешинчидан*, мазкур қонунга киритилган яна бир энг муҳим янгиликлардан бири бу — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши билан боғлиқдир. Унда жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш; тегишли чоралар кўрилиши учун давлат органларига мурожаат этиш; давлат органлари ваколатига кирувчи ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича сўровлар юбориш ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкинлиги баён этилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу моддада жамоатчилик назорати оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкинлиги, давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга оширишда кўмаклашиши ва қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг мурожаатлари юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши шартлигига оид нормалар ҳам мустаҳкамланди.

*Олтинчидан*, қонундаги навбатдаги янгилик фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиши билан боғлиқ. Унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказлари ташкил этишга ҳақлилиги, давлат органлари маслаҳат марказлари фаолиятини ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўмаклашиши, маслаҳат марказлари ўз вазифаларини амалга ошириши учун фуқаролар йиғинларига белгиланган тартибда бинолар

# амалиётида ноёб тажриба

этилаётган мазкур янги услуб Ўзбекистонда қонун ижодкорлиги назарияси ва амалиётини тизимли такомиллаштириш жараёнидаги навбатдаги босқич, мамлакатимизда ижтимоий ҳаётни демократлаштириш жараёнлари мукаммаллигининг муҳим сифат кўрсаткичидир. Давлатимиз раҳбарининг ҳуқуқий тажрибани ўтказиш тўғрисидаги мазкур Фармойиши ижросини таъминлаш жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг аҳоли, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ОАВ билан янада кенг муносабатлар ўрнатишига кўмаклашади.

Ҳуқуқий тажрибанинг мазмун-моҳияти муайян вилоят, туман ҳамда шаҳар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг реал фаолиятида ушбу қонун лойиҳасини синовдан ўтказишдан иборат. Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат тузилмаларидан ташқари оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, уларнинг ишлари ҳақида ахборот олишдан манфаатдор юридик ҳамда жисмоний шахслар ҳам мазкур тажрибанинг иштирокчилари ҳисобланади. Ҳуқуқий тажриба қонун лойиҳасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралигини янада тўлиқ таъминлаш, аҳолини мамлакатимизни демократик янгилаш ҳамда модернизация қилиш жараёнлари ҳақида хабардор қилишда фуқаролик институтлари, шу жумладан, ОАВнинг роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган нормалари самарадорлигини амалда текшириб кўриш имконини беради. Бундан ташқари, тажриба давомида журналистлар фаолиятининг сифати ва самарадорлигини изчил ошириш мақсадида уни журналистларнинг ўзи тартибга солиши бўйича турли механизмлар ҳам синаб кўрилади.

Давлатимиз раҳбари фармойиши билан тасдиқланган ҳуқуқий тажрибани ўтказиш тартибига мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўз фаолияти очиқлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлари қатъий белгиланган. Масалан, жисмоний ва юридик шахсларнинг расмий талаби у рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ошмайдиган муддатда, оммавий ахборот воситаларининг тажриба субъектлари фаолияти, унинг мансабдор шахслари билан интервью ташкил қилиш тўғрисидаги талаби эса етти кундан ошмайдиган муддатда кўриб чиқилиши шарт. Бунда ахборот олиш талаблари ёзма, жумладан, электрон ҳамда оғзаки шаклда бўлиши ва бевосита ахборот олишдан манфаатдор шахсларнинг ваколатли вакиллари орқали юборилиши ҳам мумкин. Буларнинг барчаси фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқларини янада кенгайтиради.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасини синаб кўриш вазифаларини комплекс равишда амалга оширишга қаратилган чоралар ҳам белгиланди. Жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтларини тажрибанинг бориши, жисмоний ва юридик шахслар учун ахборот олишнинг янги имкониятлари ҳақида кенг хабардор қилиш шулар жумласидандир. Ўтказиладиган тажриба самарадорлигини ва унинг субъектларининг ахборот ошкоралигини таъминлашга доир фаолиятининг аҳоли томонидан баҳоланишини аниқлаш учун ижтимоий тадқиқотлар ҳам ўтказилади. Шунингдек, қонун лойиҳасини муҳокама қилиш бўйича, жумладан, чет эллик экспертлар иштирокида конференциялар, семинар ҳамда давра суҳбатларини ташкил этиш ҳам режалаштирилган. Бу борада ташкил қилинадиган махсус сайтда ҳар бир одам қонун лойиҳасининг синаб кўрилиши қандай амалга оширилаётгани билан танишиши, унинг нормалари муҳокамасида қатнашиши, ОАВ вакиллари эса ҳуқуқий тажриба субъектлари фаолияти хусусида ахборот материалларини бемалол олиши мумкин.

Тажриба давомида олинган натижалар таҳлили асосида қонун лойиҳасини такомиллаштиришга доир аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиши кўзда тутилган.

Шубҳасиз, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ва уни ҳуқуқий тажрибадан ўтказиш борасидаги Юртбошимиз Фармойиши биринчи навбатда бизнинг Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан сайланган депутатлар ва партия аъзоларига улкан масъулият юклайди. Чунки, партиямиз дастурида бошқарувда ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш, фуқаролар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида ахборот алмашинувини жадаллаштириш, "электрон ҳукумат"ни жорий этиш бўйича дастур ишлаб чиқиш каби вазифалар белгиланганлиги туфайли ҳам партиямиз фаоллари ҳуқуқий тажриба жараёнларида ўз таклиф ва мулоҳазалари билан фаол иштирок этадилар.

**Ҳуқуқ амалиётига жорий этилаётган мазкур янги услуб Ўзбекистонда қонун ижодкорлиги назарияси ва амалиётини тизимли такомиллаштириш жараёнидаги навбатдаги босқич, мамлакатимизда ижтимоий ҳаётни демократлаштириш жараёнлари мукаммаллигининг муҳим сифат кўрсаткичидир. Давлатимиз раҳбарининг ҳуқуқий тажрибани ўтказиш тўғрисидаги мазкур Фармойиши ижросини таъминлаш жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг аҳоли, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ОАВ билан янада кенг муносабатлар ўрнатишига кўмаклашади.**

# янада кенгайди

бериши, тегишли ҳудудда жойлашган таълим муассасалари фуқаролар йиғини сўровига биноан маслаҳат марказларига қисқа муддатли курсларни ўтказиш учун ўқув жараёнларидан бўш бўлган ўқув хоналарини бериб туриши мумкинлиги, давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар вакиллари, шунингдек, фуқаролар маслаҳат марказларининг ишида қатнашиши, хусусан, қисқа муддатли курсларда таълим бериши, тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатлар бериши мумкинлиги белгиланди.

*Еттинчидан*, қонунга киритилган яна бир муҳим норма фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ваколатларини муддатидан илгари тугатиш билан боғлиқдир. Шу ўринда таъкидлаш керакки, ушбу қонуннинг аввалги таҳририда фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ваколатларини муддатдан илгари тугатиш мумкин бўладиган барча ҳолатлар қамраб олинмаган эди.

Шу сабабли, янги таҳрирда қабул қилинган қонунда фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ваколатлари муддати умумқабул қилинган ахлоқ, одоб нормаларини қўпол равишда бузувчи, раис (оқсоқол) мақомини бадном қилувчи ва фуқаролар йиғини обрўсига путур етказувчи хатти-ҳаракатлар ва ножўя ишлар содир этган, шунингдек, ўз вазифаларини мунтазам равишда узрли сабабларсиз бажармаган тақдирда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан қарор қабул қилинганда; суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида бедарак йўқолган, деб топилган ёхуд вафот этган, деб эълон қилинганда; Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда; соғлиғи ҳолати ёки бошқа узрли сабабларга кўра, уч ой давомида ўз вазифаларини бажара олмай қолганда ҳамда вафот этганда муддатидан илгари тугатилишига оид қўшимча асослар киритилди.

*Саккизинчидан*, қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига нодавлат нотижорат ташкилотлар учун назарда тутилган тартибда солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлашига оид норма мустаҳкамланди.

*Тўққизинчидан*, қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг мурожаатлари кўриб чиқилишининг шартлигига оид нормалар белгиланган бу — фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг мурожаатлари давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари томонидан ўз ваколатлари доирасида қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқилиши шартлигини назарда тутади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи юқорида кўрсатилган қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчаларнинг киритилиши мамлакатимизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашда, жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ваколатлари доирасини янада кенгайтиришда, маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

**Зафар РУЗИЕВ,**
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти етакчи
илмий ходими,
юридик фанлар номзоди

# Йўл ҳаракати хавфсизлиги: қонун ва масъулият



Давоми. Боши 1-бетда

Ўзбекистонда 2012 йилда 10 мингдан ортиқ йўл-транспорт ҳодисалари рўй берган ва бунинг оқибатида 2 мингдан ортиқ одам ҳалок бўлган, 11 мингга яқин одам турли даражада тан жароҳати олган. Демак, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш биз учун ўта муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллигимизнинг ўтган йигирма икки йили мобайнида мамлакатимиз йўлларида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу борада йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бир қатор қонунлар, жумладан, "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида" (1997 йил 25 апрель), "Темир йўл транспорти тўғрисида" (1999 йил 15 апрель), "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида" (1999 йил 19 август), "Автомобиль йўллари тўғрисида" (2007 йил 29 июнда), "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги (2008 йил 21 февралда) қонунлар ҳамда мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган соҳага тегишли бир қатор муҳим қарорлар фикримизнинг яққол далилидир.

Соҳага оид қонунчиликдаги энг сўнгги янгиликлардан бири **«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан янги таҳрирда қабул қилинганлигидир. Мазкур қонун йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда янги талабларни илгари суради.

Қонун Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати соҳасида қонунни қўллаш амалиёти ва норматив базани чуқур таҳлил этган ҳолда, шунингдек, ушбу соҳада халқаро тажрибани ўрганган ҳолда ишлаб чиқилган.

Амалдаги қонун 1999 йил августда қабул қилинган бўлиб, у 24 моддадан иборат эди. Янги таҳрирдаги қонун эса 31 моддадан иборат. Демак, амалиётда қўлланиб келинган қонунга қатор тўлдиришлар амалга оширилдики, улар асосан қуйидагилардан иборат:

**Биринчидан,** ушбу қонунда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари алоҳида белгилаб қўйилган бўлиб, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш энг устувор принциплардан бири сифатида эълон қилинган.

**Иккинчидан,** қонунда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ваколатли давлат органларининг ваколатлари янада аниқлаштирилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати каби органларнинг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари янада аниқроқ белгилаб берилмоқда.

**Учинчидан,** йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда фуқароларнинг иштироки масалалари янги таҳрирдаги қонунда ўз аксини топган. Жумладан, фуқаролар тегишли органларга йўл белгилари, светофорлар, йўл чизиқлари, йўл қопламаларининг ҳолати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ бошқа масалалар юзасидан таклифлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди. Бундан ташқари, яна бир янгилик — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларга ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида тадбирларни амалга ошириш ва техник регламентлар, стандартлар, нормалар, қоида ва бошқа норматив ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, махсус ваколатли давлат органларига киритиш, шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш тадбирларида иштирок этиш ҳуқуқлари берилмоқда.

**Тўртинчидан,** қонунда йўлларни лойиҳалаш жараёнидан тортиб то уни таъмирлаш босқичларигача жавобгар томонлар аниқ кўрсатиб ўтилган. Шу нуқтаи назардан, шу пайтгача амалда бўлган қонуннинг "Йўлларни таъмирлаш ва сақлашга доир талаблар" деб номланувчи моддасида эндиликда "Йўлларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилишга, таъмирлаш ва сақлашга доир талаблар" деб номланадиган бўлди. Жумладан, уларни лойиҳалаш босқичида йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги учун жавобгарлик лойиҳани бажарувчининг, қуриш ва реконструкция қилиш босқичларида эса ишларни бажарувчининг зиммасига юклатилади.

Йўлларни таъмирлаш ва сақлашда уларнинг ҳолати йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш бўйича мажбурият йўллар қайси юридик ва жисмоний шахслар тасарруфида бўлса, айнан ана шу юридик ва жисмоний шахслар зиммасига юклатилади.

Агар ана шундай шахсларнинг ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларини бажармагани оқибатида йўл шароитлари туфайли йўл ҳаракати қатнашчиларига ва транспорт воситасига зарар етса, унинг ўрни мазкур шахслар томонидан қопланади.

**Бешинчидан,** янги таҳрирдаги ушбу қонунда транспорт воситалари эгаларининг мажбуриятлари янада кучайтирилган ва энди транспорт воситаси эгаси ўз фуқаролик жавобгарлигини қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий суғурта қилиши керак бўлади. Бундан ташқари, техник жиҳатдан соз транспорт воситаларидан фойдаланиш, уларни фақатгина тегишли малакага эга бўлган ва тиббий кўрикдан ўтган шахслар бошқаришига ижозат бериш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва экологик хавфсизлик талабларига риоя этиш талаб этилади.

**Олтинчидан,** амалдаги қонун йўлларимизда сервис объектларини қуриш билан боғлиқ нормалар билан янада тўлдирилди. Жумладан, тасарруфида йўллар бўлган юридик ва жисмоний шахслар назарда тутилган сервис объектларини лойиҳалаш нормаларига, қурилиш режаларига ва ушбу объектларни жойлаштиришнинг бош схемаларига мувофиқ бу йўлларда мазкур объектларни қуриш чора-тадбирларини кўради, йўл ҳаракати қатнашчиларининг эҳтиёжларини қаноатлантириш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида сервис объектларининг ишини ташкил этади, йўл ҳаракати қатнашчиларига бундай объектларнинг мавжудлиги ҳамда энг яқин соғлиқни сақлаш ва алоқа муассасаларининг жойлашуви ҳақида, шунингдек, йўлларнинг тегишли участкаларидаги хавфсиз ҳаракатланиш шароитлари тўғрисида ахборот беради.

**Еттинчидан,** янги таҳрирдаги қонунда транспорт корхоналари зиммасига давр талабларидан келиб чиққан ҳолда янги вазифалар қўйилган. Хусусан, фаолияти транспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юридик шахслар ўз тасарруфидаги транспорт воситаларининг сонига боғлиқ ҳолда йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича хизматларни ташкил этади; ўзига тегишли транспорт воситалари иштирокида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг ва йўл ҳаракати қоидалари бузилишларининг сабабларини таҳлил қилади ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни кўради; соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларини жалб этган ҳолда ҳайдовчиларнинг тиббий кўрикларини, ҳайдовчиларнинг йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича кўникмаларини такомиллаштиришга доир тадбирларни ташкил этади ва ўтказади.

Шунингдек, фаолияти транспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юридик шахсларнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тасдиқланган махсус дастурлар бўйича вақти-вақти билан, уч йилда камида бир марта ўз малакасини ошириб, малака имтиҳони топшириши кераклиги янги таҳрирдаги қонунда алоҳида белгилаб қўйилмоқда.

**Саккизинчидан,** янги таҳрирдаги қонунда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ҳайдовчиларнинг ҳуқуқлари аниқ белгилаб берилмоқда. Улар, жумладан, иш берувчидан ҳаракат йўналиши, ташиладиган юк, ўз ҳаёти ва соғлиғига нисбатан мавжуд бўлган таҳдид тўғрисида, шунингдек, ташишни амалга ошириш чоғида зарарли ва (ёки) хавфли омиллар таъсиридан ўзининг ҳимоя қилинишига доир чора-тадбирлар ҳақида ишончли ахборот олиш; белгиланган талабларга мувофиқ шахсий ҳимоя воситалари, махсус кийим-бош билан таъминланиш; йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича шароитларни яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш; ўз ҳаёти ва соғлиғига таҳдид соладиган вазият юзага келганда бевосита раҳбарни ёки иш берувчининг бошқа вакилини бу ҳақда хабардор қилган ҳолда ташишни бажаришни рад этиш; йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида ходимлар малакасини ошириш ва касбий қайта тайёргарликдан ўтиш; меҳнат вазифаларини бажариши чоғида ўз соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши; иш берувчининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуққа хилоф қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш каби ҳуқуқларга эга.

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирда қабул қилиниши, шубҳасиз, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини ҳал этишнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, автотранспорт воситаларига эга корхона ва ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, фуқароларни йўлларда хавфсизлик қоидаларига ўргатиш, йўл-транспорт ҳодисалари ва уларда жабрланганларнинг сонини камайтиришга хизмат қилади.

Юқорида қайд этилган қонуннинг мазмун-моҳияти жамиятда ижтимоий адолатнинг узил-кесил қарор топишига, қонун устуворлигини тўлиқ таъминлашга интилаётган "Адолат" социал-демократик партиясининг дастурий мақсад-вазифаларига уйғун. Шундай экан, биз "адолатчи"лар ушбу қонун талабларини ҳаётимизга тўлиқ татбиқ этиш бўйича фаол ҳаракат қилишимиз мақсадга мувофиқдир. Хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ янги қонун нормаларини жамоатчилик орасида кенг тушунтириш, аҳоли ўртасида "йўл маданияти"ни кенг тарғиб этишга, йўлларимизда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган тадбирларда фаол иштирок этиш, бу борада давлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, транспорт автокорхоналари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш "Адолат"нинг марказ ва жойлардаги партия ташкилотлари олдида турган устувор вазифалар ҳисобланади.

**Қодир ЖЎРАЕВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Мудофаа ва
хавфсизлик масалалари
қўмитаси раиси,
"Адолат" СДП фракцияси
аъзоси

# Қарорлар ижроси депутатларнинг ўзига боғлиқ

**Қонун кучга кирди**

Мустақиллик йилларида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг самарали фаолият юритиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилди. Уларнинг конституциявий асослари Асосий қонунимизнинг "Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари" номли йигирма биринчи бобида мустаҳкамлаб қўйилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бир неча қонун ва қонуности ҳужжатларида бу борада зарур нормалар белгиланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни 1-моддасида вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳарлар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) халқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидир, деб белгиланган.

Таъкидлаш керак, айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати комиссия ва қўмиталари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ишини янада яхшилаш мақсадида фаол ҳамкорлик қилмоқда. Хусусан, Сенатда Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссия тузилган бўлиб, унинг асосий вазифалари минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда Сенатнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлик қилиш механизмини такомиллаштириш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари ваколатларини рўёбга чиқаришда уларга амалий ва услубий ёрдам бериш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари раҳбарларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти самарали ташкил этилиши учун масъулиятини ошириш ҳисобланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарори билан "Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти" ва "Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссияси тўғрисидаги намунавий низом" тасдиқланган.

Шу билан бирга, бугунги кунда маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг самарали фаолият юритишини давр тақозо этаётганлигини инобатга олган ҳолда уларнинг фаолиятини янада жонлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир" номли маърузасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиялар гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, барча бўғиндаги ижро этувчи тузилмаларнинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир амалий вазифаларни ҳал этиш ишига партияларнинг таъсирини ошириш даркорлигини таъкидлагандилар. Дарҳақиқат, сессия муҳокамасига киритилаётган энг муҳим ва долзарб аҳамиятга эга масалаларни тайёрлашда сиёсий партияларнинг депутатлик гуруҳлари фаоллигини янада ошириш зарур. Шунингдек, депутатлик сўровига жавоб бермаган корхона, муассаса ва ташкилотларни Кенгаш сессияси муҳокамасига киритиш мақсадга мувофиқ.

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, халқ депутатлари Кенгашининг асосий иш шакли сессиядир. Ўтказиладиган сессияларда маҳаллий ижро ҳокимияти раҳбарларининг у ёки бу масала юзасидан ҳисоботларини, ахборотларини муҳокама қилиб бориш амалиётидан кенг фойдаланишга эътибор қаратиш лозим.

Маълумки, халқ депутатлари Кенгаши сессияга киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш учун ўз ваколатлари муддатига жамоатчилик асосида фаолиятни амалга оширувчи доимий ва муваққат комиссиялар тузиши мумкин. Доимий комиссиялар тегишли Кенгаш қарорларини ва қонун ҳужжатларини рўёбга чиқариш учун кўмаклашиш, ваколатлари доирасида назорат ўрнатиш ҳуқуқига эга. Қайд этиш керак, доимий комиссиялар ўз фаолиятини мажлис шаклида амалга оширади ва уларнинг мажлислари, қоида тариқасида, ойда камида бир марта ўтказилади. Доимий комиссиялар йиллик иш режаларини ишлаб чиқишда — мажлисларни ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши масаласини ҳисобга олишлари керак.

Шунингдек, доимий комиссиялар ўз ҳужжатларини расмийлаштиришда, иш режаларини шакллантиришда ва ишлаб чиқишда "Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низом" талабларига тўлиқ риоя қилишлари муҳим ҳисобланади. Чунки ушбу низомда доимий комиссияларни шакллантириш ва ишини ташкил қилиш тартиби, улар фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда ваколатлари белгиланган. Шунингдек, халқ депутатлари Кенгашлари сессияларига киритилаётган масалалар дастлабки тарзда доимий комиссиялар томонидан ҳар томонлама кўриб чиқилишига эътибор қаратиш ва доимий комиссиялар томонидан ўз қарорларининг ижро этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятининг янада самарали бўлишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, доимий комиссияларнинг долзарб ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги қарорларини маҳаллий оммавий ахборот воситаларида чоп этиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Маҳаллий ҳокимият вакиллик органи ҳисобланган халқ депутатлари Кенгаши депутати ўз ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланиши маҳаллий ҳокимият вакиллик органи иш фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддасида депутатнинг ҳуқуқларидан бири сифатида депутат сўрови билан мурожаат этиш ҳуқуқи белгиланган. Депутат сўрови тушунчасига эътибор қаратадиган бўлсак, депутат сўрови бу — депутатнинг тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби кўрсатилган мурожаати ҳисобланади. Албатта, энг муҳим ва долзарб масалаларни ҳал этишда депутатлик сўрови юбориш институтидан кенг фойдаланиш маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг самарали фаолият юритишида зарурдир.

Халқ депутатлари Кенгашлари депутатларининг оммавий ахборот воситаларида доимий равишда чиқишлари муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, депутатлар ўз сайлов округларида ва оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этишади. Шу билан бирга, аҳолини халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти, шунингдек, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар тўғрисида хабардор қилишнинг самарадорлигини ошириш, улар фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида халқ депутатлари Кенгашлари ҳузурида ахборот хизматларининг ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда замонавий ахборот коммуникация технологияларидан ҳар соҳада фойдаланилмоқда. Шу маънода халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини тезкор ёритиш ва аҳолини ўз вақтида улар фаолияти тўғрисида маълумотлар билан таъминлаш мақсадида Кенгашларнинг интернет тармоғидаги веб-саҳифаларини янада жонлантириш, мавжуд бўлмаганларини эса ташкил қилиш давр талабидир.

Мухтасар қилиб айтганда, халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида маҳаллий ижро ҳокимияти ҳисоботларини, ахборотларини муҳокама қилиб бориш, доимий комиссиялар фаолиятини ҳар томонлама кучайтириш, депутатлик сўрови юбориш институтидан кенг фойдаланиш, амалга оширилаётган ишлар тўғрисида аҳолини мунтазам равишда хабардор қилиб бориш учун депутатларининг оммавий ахборот воситаларида доимий равишда чиқишларининг таъминланиши эса халқ депутатлари Кенгашларининг самарали фаолият юритишига хизмат қилади.

**Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддасида депутатнинг ҳуқуқларидан бири сифатида депутат сўрови билан мурожаат этиш ҳуқуқи белгиланган. Депутат сўрови тушунчасига эътибор қаратадиган бўлсак, депутат сўрови бу — депутатнинг тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби кўрсатилган мурожаати ҳисобланади. Албатта, энг муҳим ва долзарб масалаларни ҳал этишда депутатлик сўрови юбориш институтидан кенг фойдаланиш маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг самарали фаолият юритишида зарурдир.**

**Давронбек ОЛИМОВ,**
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти етакчи
илмий ходими

**Депутат аралашувидан сўнг**

Маҳаллий вакиллик ҳокимиятида депутат вакиллик функциясини бажариши баробарида сиёсий партия ва сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс бўлгани боис унга шахсий ва ҳудудий аҳамиятга эга бўлган муаммолар билан нафақат расмий учрашувларда, балки ҳар қандай шароитдан унумли фойдаланган ҳолда мурожаат қилишлари мумкин. Депутат сайловчиларнинг ташвиш ва муаммоларидан яхши хабардор бўлгани боис ҳам уни вакил, воситачи, ҳимоячи каби "унвонлар" билан шарафлашаётгани бежиз эмас.

# Мурожаатлар бесамар кетмаяпти



19-Файзиобод округидан сайланган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Тошпўлат Матибаев номига жорий йилнинг биринчи чорагида фуқаролардан 20 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушиб, уларнинг 15 таси ўз ечимини топди.

Таъкидлаш жоизки, депутатга келиб тушаётган мурожаатларнинг аксарияти ижтимоий масалаларга оиддир. Жумладан, Миробод туманида истиқомат қилувчи В.Маҳмудова ва Х.Саматовалар соғлиқларини тиклашда ёрдам беришларини сўраб мурожаат этишди. Депутатнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ушбу фуқароларга «Ўзбекистон темир йўлчилари ва транспорт қурувчилари» касаба уюшмаси Марказий Кенгаши қошидаги «Сиҳатгоҳ» санаториясида профилактик кўрикдан ўтишлари ва даволанишлари учун 14 кунлик йўлланма ажратилди.

Шунингдек, жорий йилнинг март ойида Миробод туманида истиқомат қилувчи нафақадаги фуқаролар Т.Мочалова («Янги замон» кўчаси 84-60) ва С.Подгорнова («Манжара» кўчаси 10-7) ўзлари истиқомат қилаётган уйларининг таъмирга муҳтож ҳолга келиб қолганлиги боис амалий ёрдам сўраб мурожаат қилишди. Хайрия асосида ҳомийларни жалб этган ҳолда мурожаат эгаларининг уйлари бир неча ҳафта ичида таъмирланиб, бутунлай янги кўринишга келтирилди.

Партиянинг жонкуяр депутати бу каби хайрия ишларни амалга ошириш билан бир қаторда жойларда сайловчилар билан мунтазам тарғибот учрашувлари ўтказиб келмоқда. Жорий йилнинг ўтган чораги давомида ана шундай учрашувларнинг 16 таси бўлиб ўтди. Улардан кўзланган мақсад эса, албатта, аҳолининг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида улар фаоллигини кучайтириш ҳамда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан жойларда жамоатчилик назоратини ўрнатишдир.

Депутат аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, келгусида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида қатор ташаббусларни амалга оширишни мақсад қилган.

**Ойбек ТОЖИБОЕВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент шаҳар Кенгаши
матбуот хизмати

# Изчил фаолият кутилган натижага олиб келади

**«Адолат»нинг адолатли аёллари**

Фарғона вилоятида Ўзбекистон «Адолат» СДП «Аёллар қаноти» Кенгаши ташаббуси билан мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни, «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросида партия аёлларининг роли ва иштироки ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига оид истиқболдаги вазифалари масаласига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Вилоят партия Кенгаши раиси Наримон Шодиев Ўзбекистон «Адолат» СДП фаолиятида хотин-қизлар ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий, маънавий ва интеллектуал ўсишига кўмаклашиш, бандлик масалаларини ҳал қилиш, меҳнат шароитларини янада яхшилаш, айниқса, аёлларни касаначилик, оилавий тадбиркорликка кенг жалб қилиш каби вазифалар муҳим ўрин тутишига эътиборни қаратди. Шубҳасиз, партиянинг Фарғона вилояти Кенгаши ҳам бу каби хайрли ишлардан четда эмас. Жорий йилнинг биринчи чорагида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликда 100 нафардан зиёд аёл иш билан таъминланган. 200 нафардан кўпроқ аёллар «Устоз-шогирд» йўналиши бўйича меҳнат қилмоқда.

Партия фаоллари томонидан таълим масканлари, маҳаллалар ва оилалардаги маънавий муҳит ўрганилмоқда. Катта ҳаёт тажрибасига эга ва обрў-эътиборли онахонлар, шифокорлар, оқсоқоллар, ота-оналар билан ҳамкорликда қизларни эрта турмушга узатишнинг олдини олиш борасида кенг қамровли тарғибот тадбирлари мунтазам тус олган. Тиббий текширувлар кўлами янада кенгайган. Ҳар бир ҳудудий партия ташкилотлари қошида «Ораста қизлар» тўгараги фаолияти йўлга қўйилган. Буларнинг барчаси аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишда қўл келаётир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон «Адолат» СДП «Аёллар қаноти» Кенгаши раиси Зуҳра Ботированинг кенг қамровли маърузаси ҳамда иштирокчилар билан савол-жавоб руҳида ўтказган суҳбати тадбирнинг жонли ўтишига хизмат қилди. Депутат, айниқса, мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳар бир қонун, қарор ва фармон ортида инсон, энг аввало, аёллар ва болалар манфаатлари ётганлигини ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтирди.

Бугун аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар тизимли равишда олиб борилмоқда. Айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, қишлоқ жойларда уларнинг меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган дастурларни тайёрлаш ҳамда амалга ошириш, аёлларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишга қаратилган фаолият кутилган натижани бераётгани диққатга сазовор.




Маърузачи «Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони!» шиори остида ўз фаолиятини амалга ошираётган партия жамиятда аёллар учун яратилган имкониятлар қамровини янада кенгайтиришга, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлашга, салоҳиятли, чуқур билим ва малакага эга бўлган хотин-қизларнинг давлат ҳокимиятининг барча жабҳалари ва даражаларида тенг ва фаол иштирокини ҳақиқатда таъминлашга интилаётганини таъкидлади.

З.Ботирова эътироф этганидек, айниқса, тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги амалий ишлар, замонавий она ва бола скрининг марказларининг 2000 йилдан буён олиб бораётган самарали фаолияти туфайли республикамизда ирсий ва туғма нуқсонли болалар туғилиши 1,7 баробарга камайгани, 2 ёшгача бўлган болалар бепул эмланаётгани, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом, бақувват ва баркамол бўлиб ўсаётганлиги эътиборлидир. Ёш авлод ўртасида дифтерия, қоқшол, полиомиелит каби касалликларга бутунлай барҳам берилди. 14 ёшгача бўлган болаларнинг деярли 100 фоизи йилига икки марта, туғиш ёшидаги аёллар эса ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Ўзбекистон хотин-қизлар ва болаларни бепул скрининг-текширувдан ўтказиш бўйича тизим фаолият кўрсатаётган дунёдаги кам сонли ва МДҲ-даги ягона мамлакатдир. "Она ва бола скрининги" Давлат дастури ижросини таъминлаш доирасида сўнгги икки йилда мамлакатимиз скрининг марказларида қарийб уч миллион неонатал тадқиқот ўтказилди. Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш доирасида жаҳон ҳамжамияти томонидан бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида эътироф этилган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш миллий модели яратилди. Бугун кўплаб давлатлар Ўзбекистонда яратилган моделни ҳисобга олган ҳолда, соғлиқни сақлаш соҳасида ўз ислоҳотлар стратегиясини ишлаб чиқмоқда.

**Дилноза АҲМЕДОВА,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Фарғона вилояти
Кенгаши фаоли

# Давлат дастури ижросида

## «Адолат»чилар ташаббускорлигини янада ошириш фаоллар томонидан эътироф этилди

**Ижроия Қўмита йиғилиши**


Ⓕ Ҳусан АСРОРОВ

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Ижроия Қўмита аъзолари, партия марказий аппарати ходимлари ҳамда партия фаоллари иштирок этган йиғилишда ташкилий-партиявий ишларга оид қатор масалалар муҳокама қилинди.

Кун тартибидаги биринчи масала — «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда Ўзбекистон «Адолат» СДП иштирокининг асосий йўналишлари тўғрисида партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати бўлим мудири А.Самеджановнинг маърузаси тингланди.

— Давлат дастурида аҳолининг ижтимоий ҳимоясига йўналтирилган ислоҳотларни кенгайтириш, аҳолининг даромадларини изчиллик билан кўпайтириш, юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қаратилган давлат сиёсатини давом эттириш борасидаги устувор йўналишлар белгиланганини, ўз навбатида, сиёсий партиялар зиммасига ҳам долзарб вазифаларни юкламоқда, — деди маърузачи. — Айниқса, дастурдан ўрин олган ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш каби долзарб масалалар партиямиз аъзолари зиммасидаги масъулиятни оширади.

Партия Сиёсий Кенгашининг VII Пленумида тасдиқланган «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросида партиянинг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган «Энергия тежамкорлиги ва муқобил энергетика»ни жорий этиш бўйича Ҳаракат дастурининг ижроси жойларда ижтимоий ҳамкорлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлашни тақозо этмоқда. Бу борада ҳудудий партия ташкилотлари ва партиянинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ўтган биринчи чоракда муайян ишларни амалга оширди. Хусусан, Давлат дастури ижроси юзасидан 40 га яқин депутатлик сўрови илгари сурилган.

Ижроия қўмита аъзолари Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 2013 йил — «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросида иштирокини таъминлашга қаратилган тавсиялар лойиҳасини муҳокама қилишди. Унинг ижросини таъминлашда марказий ва ҳудудий партия ташкилотлари, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси иштироки юзасидан ўз фикрларини билдирдилар.

«Ўзбекистон «Адолат» СДП «Ҳудудий партия ташкилотлари ички партиявий ишларини ташкил этиш» мавзуидаги минтақавий ўқув семинари якунлари тўғрисида»ги масала ҳам кун тартибидан ўрин олди.

Партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати раҳбари вазифасини бажарувчи Ш.Бозоровнинг таъкидлашича, жорий йилнинг 27 февралидан 23 мартига қадар Самарқанд, Гулистон, Қарши, Андижон ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Бўстон шаҳрида туман ва шаҳар партия ташкилотлари раҳбарлари учун ташкил этилган семинарларда тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, депутатлик бирлашмалари, партия «Аёллар қаноти» ва «Ёш адолатчилар қаноти» Кенгашларининг кучларини бирлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада, партия сафларини кенгайтириш ва БПТлар тузиш борасида ҳудудий партия ташкилотлари муайян ютуқларни қўлга киритишган. Умуман олганда, 2012 йил давомида 10 604 нафар киши партия сафига кирган бўлса, 200 та янги бошланғич ташкилотлар ташкил этилган.

Йиғилишда Ўзбекистон «Адолат» СДП «Аёллар қаноти» Кенгашининг «Партиянинг оқила аёли — 2013» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги ташаббуси маъқулланди ҳамда кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

**Илёс КОМИЛОВ,**
«Adolat» мухбири

### Ўзбекистон «Адолат» СДП хабарлари

#### ТОШКЕНТ ШАҲРИ

**Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгашининг IX Пленуми бўлиб ўтди.**

Пленумда пойтахтимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида шаҳар партия ташкилотининг иштироки, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг 2012 йил ва 2013 йил I чорагида дастурий вазифалари ижросини таъминлашдаги фаолияти ва бўшаб қолган депутатлик ўринларига номзод кўрсатиш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, партиянинг муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги вазифалари юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлари билан ишлаш тизимини янада жадаллаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросига уларни кенг жалб этиш ва жойларда ижтимоий шериклар билан алоқаларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

#### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

**Ўзбекистон «Адолат» СДП Тахтакўпир тумани кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Биз одам савдосига қаршимиз!» мавзусидаги давра суҳбатида бугун долзарб аҳамият касб этаётган айни шу мавзу тўғрисида сўз юритилди.**

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар одам савдоси ҳозирги кунда башарият олдида турган энг долзарб муаммолардан бири эканлигини таъкидлаш асносида, мазкур трансмиллий жиноятга қарши кураш олиб боришда ёшларни огоҳликка чорладилар. Бундан ташқари, одам савдоси ва унинг салбий оқибатлари, мазкур иллатнинг қурбони бўлаётганларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилаётганлиги ҳақидаги маълумотлар кўргазмали слайдлар ёрдамида намойиш этилди. Мамлакатимизда одам савдосига қарши олиб борилаётган кенг кўламли ишлар тўғрисида муфассал маълумот берилди.

# Дастурий ғояларимизнинг амалдаги ифодаси

**Инновацион ярмарка якуни**

Жорий йилнинг 24-26 апрель кунлари пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да бўлиб ўтган анъанавий VI Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасида мамлакатимиз олимлари ва мутахассислари томонидан яратилган янги ишланмаларни жорий этиш бўйича умумий қиймати 12 миллиард 300 миллион сўмдан ортиқ 360 дан зиёд шартнома имзоланди.


Ⓕ Ҳусан АСРОРОВ

Бу йилги ярмаркада мамлакатимизнинг юздан ортиқ илмий, илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари ва тажриба-конструкторлик ташкилотларининг қарийб 550 технология ҳамда ишланмалари намойиш этилди. Янгиликларнинг аксарияти реал ишлаб чиқаришга жорий этишга тўлиқ тайёр бўлиб, бугунги кун талабларига жавоб берадиган янги материаллар, юқори самарали машиналар, қурилмалар ва жаҳон стандартларига мос бошқа илмталаб маҳсулотлар яратишга кўмаклашадиган экспортбоп ҳамда импорт ўрнини босадиган технологиялардир.

Намойиш этилган ишланмаларнинг аксарияти замон талабларидан келиб чиқиб, маҳаллий хомашё ва материаллардан тайёрланганлиги, экологик хавфсизлик талабларига тўла жавоб бериши, энергия тежамкорлигига таяниши билан эътиборга моликдир.

Ярмарка олий ўқув юртларининг илм-фан салоҳияти йил сайин ошиб бораётганлигини ҳам намоён этди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги ўқув юртлари томонидан тақдим этилган қарийб 200 ишланманинг аксарияти талабалар иштирокида яратилганлиги аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Миллий университетининг Биология-тупроқшунослик факультети магистранти Алишер Сафаровнинг «Данаксиз анор навининг интродукцияси ва ишлаб чиқаришга татбиқи» лойиҳаси ярмарканинг «Талабаларнинг энг яхши инновацион лойиҳалари» номинацияси ғолиби бўлди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши қошидаги «Истеъдод» клубида яратилган биогаз ва биоўғит олиш қурилмаси макетининг такомиллаштирилган намунаси инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар VI Республика ярмаркасида намойиш этилганлиги эса партия дастурий ғояларининг амалий натижаларини ифода этди. Кетма-кет иккинчи марта ярмаркага қўйилган мазкур лойиҳа ўтган давр мобайнида истеъмолчилар таклифлари ҳамда олим ва мутахассислар тавсиялари билан янада такомиллаштирилди. Қурилма макети ва унга қўшимча равишда энергия тежовчи сув иситкич қозони ярмаркада иштирок этган кўплаб ташкилот ва корхоналарда, айниқса, тадбиркор ва фермерларда катта қизиқиш уйғотди.

Ярмарка якунларига кўра, ушбу инновацион лойиҳани амалиётга татбиқ этиш юзасидан 380 миллион сўм миқдоридаги учта шартнома имзоланишига эришилди. Шунингдек, уни реализация қилиш бўйича ўндан ортиқ таклифлар олинди.

— Биогаз ва биоўғит олиш қурилмасининг, айниқса, биз фермерлар учун афзалликлари кўп экан, — деди Сариосиё туманидаги «Суғдиён — НАС» фермер хўжалиги раиси Шермуҳаммад Ашуров. — Ушбу қурилмадан олинадиган биогаздан дала шийпонлари ва иссиқхоналарни энергия билан таъминлаш, биоўғитни экинлар парваришида ишлатиш мумкинлиги, унга кетадиган хомашёни эса хўжаликдаги чорвадан чиқадиган ва бошқа маҳаллий чиқиндилар ҳисобидан бемалол таъминлаш имконияти менда уни амалиётда қўллаш ғоясини туғдирди. Шу боис ушбу қурилмани фермер хўжалигимда жорий қилиш бўйича шартнома имзоладик.

Шунингдек, ярмарка доирасида бўлиб ўтган илмий-амалий семинарларда инновацион тараққиётнинг ҳудудий муаммолари, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш учун янги технология ҳамда ишланмалар, шунингдек, ёш олимлар ва талабалар салоҳиятини инновация фаолиятини ривожлантиришга жалб қилиш бўйича долзарб масалалар муҳокама этилди. Бундан ташқари, "Ўзбекистонда инновация фаолиятини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзуида давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди.

Бир сўз билан айтганда, ярмарка иқтисодий ривожланишга инновацион ёндашув тарафдори бўлган Ўзбекистон «Адолат» СДП ғояларининг ҳаётийлигини яна бир бор намоён этди.

**Илёс САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири

**Муносабат**

# Хабардорлик ҳуқуқимни англашга ёрдам беради

Аслини олганда деҳқончилик қилиб ризқ-рўз яратаётган киши учун хабардорлик бозордаги нарх-навони билишдангина иборат эмас. Оддий деҳқон бугун жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнлардан ўз вақтида хабар топишга, муносабат билдиришга интилмоқда.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, бугун аграр соҳани қандай истиқболлар кутмоқда? Янги техника ва технологияларни лизинг асосида харид қилиш имкониятлари борми? Томорқа хўжалигини ривожлантиришда қайси имтиёзлардан фойдаланиши мумкин? Назорат органларига ҳисобларни электрон усулда жўнатишдан фермер манфаатдорми?

Давлат бошқарувида фаолият очиқлиги таъминланган жойда ана шу маълумотларга осонгина эгалик қилиш мумкин. Ўзим фермер хўжалигини бошқарганим боис ҳар гал бошқарув идоралари билан маълумот айрибошлашда электрон хизматдан фойдаланаман. Томорқачи қўшниларимнинг саволларига ҳам тегишли идораларнинг веб сайтидан жавоб излайман.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси синови бўйича Самарқанд вилоятида ҳуқуқий эксперимент ўтказилаётганини ижобий ҳолат, деб баҳолайман. Қонун лойиҳаси ва унинг асосида қабул қилинажак ҳуқуқий меъёрлар давлат идорасининг фуқаро билан муносабатларида ошкораликни, ўзаро ишончни таъминлашга хизмат қилади. Маълумотлардан хабардорлик эса ҳуқуқимизни англашга, ваколатли идораларга зарур сўровлар билан мурожаат қилишимизга ёрдам беради.

**Қаҳрамон СУЯРОВ,**
Самарқанд туманидаги «Зуҳриддин-Муҳиддин боғлари» фермер хўжалиги раҳбари

# Муқобил энергия

## тўкин ва фаровон ҳаёт манбаи



Давоми. Боши 1-бетда

Тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимлари, қатор вазирлик ва идоралар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси олим ва мутахассислари, Тошкент давлат техника университети, Тошкент кимё-технология институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари, муқобил энергия асбоб-ускуналарини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, «Адолат» СДП ўз сайловолди дастурида муқобил энергия манбалари соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратган. Партия энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантириш ғоясини илгари суради. Шу муносабат билан «Адолат» СДП, энг аввало, соҳани ривожлантириш учун «Муқобил энергия манбалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тўла қўллаб-қувватлайди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ушбу соҳанинг жадал тараққий этишига, бу эса ўз навбатида иқтисодиётимизнинг узлуксиз ўсишини таъминлашга, маҳаллий энергия таъминоти билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал бўлишига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро мажбуриятларининг бажарилишига хизмат қилади.

**Феруз ЖЎРАЕВ,**
«Adolat» мухбири

# Ҳурматли истеъмолчилар!

Агар товар харид қилинганда, бирон-бир хизматлардан фойдаланганда (оммавий-маданий соҳада ва ҳ.к.) Сизнинг ҳақ-ҳуқуқларингиз ишлаб чиқарувчи, ижрочи ва сотувчи томонидан бузилса, шунингдек, тўловларни банк пластик карточкалари орқали амалга оширганингизда нархлар асоссиз оширилса ёки қўшимча ҳақ талаб қилинса, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ва унинг ҳудудий бирлашмаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

**ДИҚҚАТ:**

***ишонч телефонлари***

Агар товар ва хизматлар бозорида Сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса, ҳеч иккиланмай Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ва ҳудудий бирлашмаларининг "Ишонч телефонлари"га қўнғироқ қилинг. Мутахассислар Сизнинг ҳақ-ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишда яқиндан кўмак беради.






**Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ва ҳудудий бирлашмаларининг ишонч телефонлари:**

| | |
|---|---|
| **Қорақалпоғистон рес.** | 8 (361) 2-22-92-91 |
| **Андижон вилояти** | 8 (374) 2-24-02-68 |
| **Бухоро вилояти** | 8 (365) 2-23-85-85 |
| **Жиззах вилояти** | 8 (372) 2-26-32-33 |
| **Қашқадарё вилояти** | 8 (375) 2-21-10-31 |
| **Сурхондарё вилояти** | 8 (376) 2-23-38-85 |
| **Наманган вилояти** | 8 (369) 2-26-96-14 |
| **Навоий вилояти** | 8 (436) 2-23-03-21 |
| **Хоразм вилояти** | 8 (362) 2-24-31-79 |
| **Фарғона вилояти** | 8 (373) 2-24-98-88 |
| **Сирдарё вилояти** | 8 (367) 2-25-34-78 |
| **Самарқанд вилояти** | 8 (366) 2-31-01-72 |
| **Тошкент вилояти** | 8 (371) 236-28-61 |
| **Тошкент шаҳри** | 8 (371) 276-90-46 |
| **Федерация** | 8 (371) 237-35-38 |

## Сўранг, жавоб берамиз!

Давлат божи қай тартибда ундирилади?
*И. Раҳмонов, Янгиер шаҳри*

*Давлат божини ундириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрда қабул қилинган "Давлат божи ставкалари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ амалга оширилади.*

*Масалан, уй-жойлар, квартиралар, дала-ҳовлилар, гаражлар ва бошқа кўчмас мулкларнинг олди-сотдиси, алмаштириш, ижарага олиш, умрбод таъминлаш шарти билан бошқаларга бериш, ҳадя шартномаларини тасдиқлашда давлат божи мазкур кўчмас мулкларнинг 1 кв.м, майдони учун энг кам ойлик иш ҳақининг муайян фоизи миқдорида ундирилади. Автомототранспорт воситаларини ўзгага ўтказиш билан боғлиқ нотариал ҳаракатлар энг кўп амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар жумласига киради. Ушбу нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун давлат божлари ундириш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, давлат божининг миқдорини белгилашда транспорт воситасининг тури, қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги, двигателининг от кучи, фойдаланиш муддатига эътибор қаратилади.*

*Мазкур қарорда яқин қариндошлар ўртасида мол-мулк ва автомототранспорт воситалари билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун давлат божини ундиришда имтиёзлар берилиши назарда тутилган. Унга кўра, яқин қариндошлар ўртасида олди-сотди, алмаштириш ва ҳадя қилиш шартномалари расмийлаштирилаётганда белгиланган ставканинг 5 фоизи миқдорида бож ундирилади.*

Саволга Гулистон шаҳар 7-сонли ДНИ нотариуси **М.ЭМИНОВА** жавоб берди.

Ҳадя этиш шартномаларини тасдиқлаш тартиби ҳақида маълумот берсангиз?
*Ф.Жўраев, Бухоро шаҳри*

*Ҳадя шартномасига мувофиқ, ҳадя қилувчи тараф ҳадя олувчига ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади, унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқини беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд мулкий мажбуриятдан озод қилади ёки озод қилиш мажбуриятини зиммасига олади.*

*Бирон-бир шахсга ашёни ёки мулк ҳуқуқини текинга беришни ёки бирон-бир шахсни мулкий мажбуриятдан озод этишни ваъда қилиш (ҳадя этишни ваъда этиш) агар ваъда тегишли шаклда берилган бўлса ва келажакда аниқ шахсга ашё ёки мулкий ҳуқуқни текинга бериш ёки уни мулкий мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, ҳадя шартномаси, деб тан олинади.*

*Ҳадя шартномасида ҳадя нарсаси аниқ кўрсатиб қўйилган бўлиши керак. Ашё мулк ҳуқуқи ёки мулкий мажбуриятдан озод қилиш шаклида ҳадя нарсасини аниқ кўрсатмасдан ўзининг мол-мулкини ёки мол-мулкининг бир қисмини ҳадя этишни ваъда қилиш ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди.*

*Ҳадя олувчи ўзига ҳадя топширилгунга қадар истаган вақтда уни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолда ҳадя шартномаси бекор қилинган ҳисобланади. Ҳадя шартномасида ҳадя олувчи ҳадя қилувчидан олдин вафот этган тақдирда, ҳадя қилувчининг ҳадяни бекор қилиш ҳуқуқи шарт қилиб қўйилиши мумкин.*

*Ҳадя шартномасининг предмети кўчмас мулк бўлганида, кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлаш қоидалари қўлланилади, шартнома предмети автомототранспорт воситалари бўлса, автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимларни тақсимлаш қоидалари қўлланилади.*

*Умумфойдали мақсадларда қилинган ҳадя хайр-эҳсон ҳисобланади. Умумфойдали мақсад хайр-эҳсоннинг фарқли белгиларидан ҳисобланади ҳамда хайр-эҳсонни қабул қилишга бирор кимсанинг рухсати ёки розилиги талаб қилинмайди.*

Саволга Бухоро шаҳар 6-сон ДНИ нотариуси **Ш.ЗИЯДУЛЛАЕВ** жавоб берди.

# Одам савдоси — туткунлик балоси

Одам савдоси — халқаро миқёсдаги долзарб муаммолардан бири бўлиб, БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйича тахминан 2 миллион 800 минг киши ана шу жиноят қурбонига айланмоқда. Ачинарлиси, одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил этади. Кишиларнинг содда ва ишонувчанлиги, етарли ҳуқуқий билимга эга эмаслиги, моддий муаммоларни тезда ҳал этиш, енгил иш топиш, тез бой бўлиш орзуси, лоқайд ва нопок кимсаларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари бу жиноятнинг кескин ривожланишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспортдаги ички ишлар бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар «Истиқболли авлод» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилган «Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг ижросини таъминлаш бўйича фаолият» мавзуидаги давра суҳбатида шу ҳақда атрофлича сўз юритилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда мазкур иллатнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Президентимизнинг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ҳам ана шундай вазиятларнинг олдини олиш, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, жиноят оқибатларини минималлаштириш, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш билан боғлиқ муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинган.

Давлатимиз раҳбарининг қарори билан тузилган Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ҳамда ҳудудий комиссиялар томонидан одам савдоси ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш ва одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга қаратилган бир қатор ташкилий ва профилактик тадбирлар ўтказилмоқда.

— 2003 йилда Ўзбекистон БМТнинг 1950 йилдаги «Одамлар савдоси ва фоҳишабозликни учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясига қўшилди, 2008 йилда эса одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва бу қилмиш учун жазолаш тўғрисидаги, БМТнинг «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясини тўлдирувчи Баённи ратификация қилди, — деди Ички ишлар вазирлиги Транспортдаги ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси бошлиғи Суннат Шеров. — Шу тариқа давлатимиз аҳолига маълумот бериш, жабрдийдаларни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган дастурларни қўллаб-қувватлаш ва ўтказиш орқали одам савдосининг олдини олиш, унга барҳам бериш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

Одам савдоси жинояти трансмиллий характерга эга экани боис унинг олдини олиш, жабрланувчиларни ҳимоя қилиш учун, аввало, фуқароларни огоҳликка ундовчи, ноқонуний йўллар билан хорижга чиқишнинг салбий оқибатларини намоён этувчи ҳаётий мисолларни жиддий таҳлиллар асосида ОАВда тарғиб қилишни кучайтириш лозим. Одам савдоси жиноятидан, айниқса, аёллар ва болалар кўпроқ жабр кўраётганини эътиборга олган ҳолда, тарғибот ишларида аҳолининг барча қатламларини жалб этиш, хотин-қизлар ва ёшлар маънавияти, онгу тафаккурида тўғри қарашларни шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини янада оширишга жиддий ёндашиш зарур.

Айтиш жоизки, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари юксак қадрланган мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш тобора устувор аҳамият касб этмоқда. Аммо инсон, аввало, ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ англаб етмаса, ҳар қандай кўламдаги чора-тадбирлар ҳам етарлича самара бермайди. Шу нуқтаи назардан ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ушбу иллатга қарши курашишда бу каби тадбирларнинг аҳамиятга юқоридир.

Қизғин баҳс-мунозараларга бой ўтган давра суҳбатида турли интерфаол усуллардан фойдаланилди, мавзуга доир видеоролик ва слайдлар намойиш этилди. Иштирокчилар одам савдосига қарши курашиш билан боғлиқ ишларни янада такомиллаштириш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

**Фаррух АБДУСАМАДОВ**

# Ишончли ҳимоя

Яқинда мамлакатимиз ҳамда жаҳон суғурта бозорида ўз ўрнига эга ва суғурта фаолияти классификаторига кўра, мавжуд 17 турдаги суғуртанинг барчаси билан шуғулланувчи ташкилотлардан бири — "Ўзбекинвест" Миллий суғурта компанияси ташкил этилганига 19 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган матбуот анжумани айнан мазкур тизимнинг бугуни, ривожи ва эртаси ҳақида бўлди.

Анжуманни "Ўзбекинвест" ЭИМСК Бош директори ўринбосари Жамшид Ризаев кириш сўзи билан очиб берар экан, ўтган давр мобайнида кенг ривожланган инфратузилма ва ҳудудий тармоққа эга, энг йирик суғурта компанияси сўнгги йиллар мобайнида молиявий хизматлар бозорида ўз тизими бўйича тан олинган ISO 9001:2000 халқаро стандартига мослигини тасдиқловчи сертификатга эгалиги, Буюк Британиянинг «Moody's Investors Services Ltd.» рейтинг агентлигида етакчи позицияни эгаллаб келаётгани алоҳида эътироф этилди.

Сўнгги уч йил ичида тақдим этилган суғурта мажбуриятлари ҳажмининг ўртача ўсиш суръати 1,8 бараварга, йиғилган суғурта мукофотлари ҳажми ўртача 137,5 фоизга ўсган компанияда миллий экспортчилар ва инвесторларнинг мулкий ҳамда шахсий манфаатларини комплекс суғурталаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини, юридик ва жисмоний шахсларни ижтимоий йўналтирилган полислар ёрдамида ҳимоялаш ишлари олиб борилмоқда.

**Ҳилола АБДУРАҲМОНОВА,**
ЎзДЖТУ талабаси

Reklama

# Ёшларнинг энг яқин молиявий кўмакчиси

Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган анъанавий "BankExpo-2013" кўргазмасида "Микрокредитбанк" фаол иштирок этди ва тадбир доирасида ўтказилган танлов натижаларига кўра, "Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк", дея эътироф этилди.

MIKROKREDITBANK



Дарҳақиқат бугунги кунда "Микрокредитбанк" меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар, жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида самарали фаолият олиб бормоқда.

Буларнинг самараси ўлароқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги юқори технологияли ва инновацион лойиҳаларни, узоқ ва бориш қийин бўлган туманларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарни, деҳқон ва фермер хўжаликлари лойиҳаларини ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган таълим муассасалари битирувчиларининг иш билан бандлигини таъминлаш борасида салмоқли натижаларга эришилаяти.

Данғаралик ёш тадбиркор Абдумутал Эркаев бир неча йил олдин ташландиқ бинода паррандачиликка ихтисослашган "Улуғ орзу оқибат" хусусий корхонасини ташкил этган эди. Бугун тадбиркор эзгу ният билан бошлаган ишининг баракасидан мамнун.

— "Микрокредитбанк"нинг 4 миллион сўм сармояси эвазига 2500 та германиянинг "Ломан-браун" зотли товуқ жўжаларини олиб паваришлай бошлаганимиздан сўнг ишларимиз анча юришиб кетди, — дейди тадбиркор. — Ҳозир туманимиз аҳолисига ҳар ойда 40-45 минг дона тухум етказиб бераяпмиз. "Микрокредитбанк" пулларининг бу қадар самарали эканлигининг асосий сабаби менимча, унинг ниҳоятда камфоизли эканлигида бўлса керак. Шу боис келгусида банк билан ҳамкорликда бундан-да катта ишларни амалга оширишни режалаштириб турибман. Етти хазинанинг бири — парранда билан бошлаган ишимни янада кенгайтириб, чорвачиликни ҳам йўлга қўймоқчиман.

Айни пайтда банк томонидан республика касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларига 3,9 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Яъни, ушбу йўналишдаги белгиланган прогноз кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга оширишилди.

Бу борадаги ишларни янада жонлантириш мақсадида вилоятлар ўрта махсус касб-ҳунар коллежи таълим бошқармалари билан ҳамкорликда "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда "Ёш тадбиркор — юртга мададкор", "Менинг бизнес ғоям" лойиҳалари амалга оширилмоқда.

**Банк матбуот хизмати**

# Хизмат доирасидан ташқарида

## Божхона бекати

Юртимизга ташқаридан сифати кафолатланган товар-моддий бойликларни импорт қилиш бўйича аниқ ва самарали тартиблар ишлаб чиқилган бўлиб, бунда, энг аввало, ички ишлаб чиқарувчилар манфаатлари ҳам алоҳида эътиборга олинган. Афсуски, мазкур тартибларга риоя қилмай, ички бозорни сифатсиз маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳаракат қилаётган баъзи бир «эпчил тадбиркор»лар ҳам учраб турибди.

Яқинда пойтахтимиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан ҳамкорликда божхона расмийлаштируви ва сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган йирик миқдордаги уяли телефонлар ва аксессуарларининг ноқонуний айланмасига чек қўйилди.

Божхоначилар томонидан "ВАЗ-21063" русумли автомашина белгиланган тартибда назоратдан ўтказилганда, унда қоракўллик Ж.Раҳимов томонидан 7 хил русумдаги 106 дона уяли телефонлар ҳамда уларга тегишли турли аксессуарлар яширин равишда олиб кетилаётганлиги аниқланди. Қонунбузар қиймати салкам 10 млн. сўмлик ушбу товар-моддий бойликларнинг божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи биронта ҳам ҳужжатни божхоначиларга тақдим қила олмади.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан эса "Яллама" божхона пости орқали юртимизга пиёда ҳолда кириб келаётган тошкентлик М.Юсупованинг қинғир қилмишларига нуқта қўйилди. Қаранг-ки, бу аёл салкам 2 минг дона уяли телефонлар учун мўлжалланган хотира карталарини яширин олиб киришнинг антиқа йўлини "кашф" қилибди. Яъни, хотира карталарини кийимлари остидан баданига елимлаб чиққан экан.

«Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан ҳам уяли алоқа телефонлари ва турли аксессуарларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Жумладан, "Сеул-Тошкент" йўналиши бўйича парвозини якунлаган наманганлик Қ.Якубов 4 турдаги 12 дона мобиль телефонларни божхона баённомасида ва оғзаки сўровлар пайтида маълум қилмасдан туриб, олиб ўтишга уринган пайтда тўхтатиб қолинди.

Худди шу йўналишда юртимизга қайтган яна бир фуқаро А.Ҳасановнинг эса қиймати салкам 7,7 млн. сўмлик Samsung Galaxy туркумидаги 20 дона смартфонларни қўл юклари орасига яширганча олиб киришга уриниши иш бермади.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув жараёнлари давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республикамиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 665 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати 8,3 млрд. сўмдан ортиқ бўлган салкам 51 минг дона уяли алоқа телефонлари ва 75 минг дона турли телефон аксессуарларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

**Давлат божхона қўмитаси**
матбуот хизмати

# Мезон — холислик ва ҳаққонийлик

**3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни**



Ҳар йили 3 май куни бутун дунёда Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтади.

Бу матбуот эркинлигининг асосий принципларига содиқлик, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги даражасини баҳолаш, ОАВни тажовузлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, ўз хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган журналистлар хотирасини ёдга олиш имконини беради.

Шу ўринда ушбу сананинг тарихига назар солайлик. 1991 йилнинг 3 майида Намибиянинг Виндхук шаҳрида матбуот эркинлигига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманда Африка давлатлари газета-журнал муҳаррирлари дунё ҳукуматларини ОАВ эркинлигини таъминлашга, журналистларнинг ҳақиқатни юзага чиқариш йўлидаги чиқишларига тоқатли бўлишга даъват этишди. Учрашув сўнггида матбуот эркинлиги тўғрисида Декларация имзоланди. Орадан икки йил ўтгач, 3 май БМТ томонидан Жаҳон матбуоти эркинлиги куни, деб эълон қилинди. Ўшандан бери "қора қитъа"дан бошланган тадбир дунё миқёсидаги халқаро байрамга айланди.

Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида ҳар йили анъанавий равишда ўз касбий бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистларнинг номлари тилга олинади. Мутахассислар эътирофига қараганда, кўп йиллардан бери сайёрамизнинг "оловли нуқтаси" бўлиб турган Яқин Шарқ минтақаси журналистлар фаолияти учун ҳамон хатарли ҳудуд сифатида қолмоқда. Хусусан, 2003 йилдан бери Ироқдаги тўқнашув ва тартибсизликлар ОАВ ходимларига катта талофатлар келтирди. 10 йилдан бери бу мамлакатда 30 нафарга яқин маҳаллий ва чет эл журналистлари ҳалок бўлди. Сурияда ҳам икки йилдан бери давом этаётган қонли тўқнашувлар туфайли қурбон бўлаётган журналистлар сони ошиб бораяпти. Ўтган бир аср ичида, аниқроғи, 1912-2012 йилларда дунё миқёсида ўз касбий бурчини адо этиш чоғида ҳалок бўлган ОАВ вакиллари сони 1600 нафардан ошиб кетди.

Умуман, ўтган яқин йиллар демократия посбонлари учун хавф-хатарларга бой давр бўлди. Дунёнинг у ёки бу нуқтасида рўй берган тўқнашувлар, ранг-баранг инқилоблар, ҳукумат учун курашлар пайтида кўплаб журналистлар азият чекди, қурбон бўлди. Бу, бир томондан, демократияни қарор топтириш, матбуот эркинлигини таъминлаш қурбонларсиз бўлмайди, деган хулосани яна бир бор ёдга солади. Бошқа томондан, матбуот ва сўз эркинлиги демократик қадрият сифатида тан олингани ва бу миллий, ҳатто халқаро ҳуқуқ меъёрларида мустаҳкамланганига бир асрдан ошиқ вақт ўтганига қарамай, "тўртинчи ҳокимият"га қарши кайфият мавжудлиги кишини ўйга толдиради...

Бугун тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган шиддатли ва айни пайтда ўта мураккаб бир замонда яшамоқдамиз. Давлат ва сиёсат арбоблари, таҳлилчи ва кузатувчилар бу даврга кўпинча ялпи ахборотлашув асри ёки глобаллашув номини бермоқдалар. Чунки ер юзининг қайсидир бир чеккасида қандай воқеа юз бермасин, бир неча сониялар ичида одамзот бу ҳақда дунёнинг бошқа чеккасида туриб хабар топмоқда. Бу эса ҳар қандай жамиятда матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ошиб бораётганининг яна бир далолатидир. Ҳар қандай матбуот шу жиҳатдан олганда жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлар, янгиланишларни тўлалигича ҳис этмоғи керак. Чунки тобора кучайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар оммавий ахборот воситалари олдига ўткир ва масъулиятли талабларни қўймоқда.

**Мутахассислар эътирофига қараганда, кўп йиллардан бери сайёрамизнинг "оловли нуқтаси" бўлиб турган Яқин Шарқ минтақаси журналистлар фаолияти учун ҳамон хатарли ҳудуд сифатида қолмоқда. Хусусан, 2003 йилдан бери Ироқдаги тўқнашув ва тартибсизликлар ОАВ ходимларига катта талофатлар келтирди. 10 йилдан бери бу мамлакатда 30 нафарга яқин маҳаллий ва чет эл журналистлари ҳалок бўлди. Сурияда ҳам икки йилдан бери давом этаётган қонли тўқнашувлар туфайли қурбон бўлаётган журналистлар сони ошиб бораяпти. Ўтган бир аср ичида, аниқроғи, 1912-2012 йилларда дунё миқёсида ўз касбий бурчини адо этиш чоғида ҳалок бўлган ОАВ вакиллари сони 1600 нафардан ошиб кетди.**

Аммо афсуслар бўлсинки, ҳозирги кунда матбуот фақат ахборот тарқатувчи восита бўлмай, у ёки бу давлатлар, маълум бир гуруҳлар, ўз манфаатларини турли йўллар билан ҳимоя қилаётган, ўз қарашлари, турмуш тарзини ўзгаларга сингдиришга уринаётган доиралар қўлидаги энг ишончли қуролга ҳам айланиб қолди. Матбуот аталмиш қудратли "машина" одамлар онгига таъсир этувчи, бунёдкор ёки, аксинча, бузғунчи ғоялар тарқатувчи воситага, айтиш мумкинки, XXI аср мафкура қуроли номини олишга ҳам улгурди. Чунки жаҳон ягона ахборот майдонига айланиб бормоқда. Бу, биз истаймизми-йўқми, тўхтамайдиган жараёндир. Ахборот ҳар доим ҳам эзгуликка, бунёдкор ғояларга хизмат қилмаяпти. Баъзан ана шу восита муайян вайронакор сиёсий кучлар, жиноятчилар, террорчилар қўлидаги қуролга айланиб, асосан, одамлар, айниқса, ёшлар онги ва қалбини нишонга олмоқдаки, ундан бутунлай ҳимояланиш имкониятлари тобора камайиб бормоқда.

Демократия ниқоби остида ўз манфаатларини илгари суриш, имкониятлари нисбатан чекланган мамлакатларни ана шу манфаатлар қурбонига айлантириш, жамоатчилик фикрини чалғитишга уриниш ҳолатлари айнан оммавий ахборот воситалари "қўли" билан амалга оширилмоқдаки, бу ҳам бўлса, огоҳлик — давр талаби эканлигини яна бир бор ёдимизга солади. У ёки бу мамлакатни ёмон отлиқ қилиш, ўз танлаган йўлидан қайтаришга уринишлар замирида тор манфаатлар ётганини барча бирдек тушуниб етмаяпти. Бошқача айтганда, одамлар онгини, дунёқарашини у ёки бу ғоялар таъсирига бўйсундиришга интилиш ҳолатлари айнан матбуот орқали амалга оширилаётгани ачинарли ҳолатдир.

Кузатувчилар айни пайтда дунёга тарқатилаётган ахборотларнинг 80 фоизи бор-йўғи 4-5 тагина ахборот агентликларига тегишли эканлигини эътироф этаётирлар. Бу эса айнан ана шу ташкилотларга эгалик қилаётганларнинг имкониятлари устунлигини, ўзлари хоҳлаган ахборотни ўзларига қулай ва фойдали тарзда узатиш, шу йўл билан ахборот маконида етакчилик қилаётганларини кўрсатади. Улар ахборотни биринчи бўлиб тарқатишга уринаётганликлари ҳам бежиз эмас. Зеро, кимда ахборотни биринчи бўлиб истеъмолчига етказиш имкони бўлса, ўша ҳақ, ўшанинг айтгани тўғри бўлиб чиқаяпти.

Демак, дунёда ахборот хуружлари ҳалигача тинмаётган, аксинча, ҳам шаклан, ҳам мазмунан ривожланаётган экан, миллий матбуотнинг жамият олдидаги масъулияти, жавобгарлиги масаласи энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолаверади.

Биз бугун қайси бир мамлакатда фаолият юритаётган ОАВ фаолиятини таҳлил этмайлик, улар кўп ҳолларда ана шу жамиятларнинг миллий манфаатларига қай даражада хизмат қилаётганликларига қараб баҳо берамиз. Зеро, кўз ўнгимизда кечаётган ўзгаришларни тўғри талқин этган, воқеа-ҳодисаларни холис шарҳлаётган, уни одамларга аниқ-тиниқ етказа оладиган матбуотгина мамлакатлар ва халқлар тинчлиги ҳамда барқарорлигига ҳисса қўшган бўлади.

Бу асримиз матбуоти учун айни пайтда катта ёки кичик, аҳамиятли ёки аҳамиятсиз мавзунинг ўзи қолмаганини кўрсатаяпти. Дунёда ягона ахборот макони шаклланиб улгургани, бирор-бир давлат бу макондан ажралган ҳолда яшай олмаслигини инобатга олсак, ўзига хос тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистонимиз учун ҳам бу масалалар ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса, охирги 10 йилда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Юртимизда, аввало, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида ҳам матбуот ва ОАВни янада ривожлантириш мақсадида *«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида», «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»*ги қонунларни қабул қилиш ва бир қатор қонунларга тегишли қўшимча ҳамда ўзгартишлар киритиш таклифлари илгари сурилдики, уларнинг бари матбуотнинг том маънодаги эркинлиги ва иқтисодий манфаатларини таъминлашга, миллий ахборот маконини изчил ривожлантириш ишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Жаҳонда кечаётган бугунги мураккаб вазият журналистлардан янада масъулиятли бўлишни талаб этмоқда. Жамиятни турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш баробарида, юртдошларимизнинг қувонч ва ташвишларини холис ёритиб бориш, баркамол авлодни умрбоқий эзгу қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, аждодларимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлашга даъват этиш ҳам бугунги кунда журналистларнинг асосий бурчига айланган. Энг муҳими, ҳар бир матбуот фидойисининг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда, айниқса, ён-атрофимиздаги вазият кескинлашиб бораётган бир пайтда она юртимизни асраш-авайлаш, дўстни душмандан, оқни қорадан ажратишга, аҳолимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз ҳиссасини қўшиши алоҳида аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан миллий матбуот юртдошларимизни давлат қурилиш тизими, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ислоҳотлар, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилаш жараёнларидан хабардор қилиш билан бирга Ўзбекистон манфаати ҳар биримиз учун бирламчи эканини доимо англатиб турувчи асосий восита бўлиши керак. Бу эса унинг жамият олдидаги масъулиятини белгиловчи асосий мезондир.

**А.САЙБНАЗАРОВ**

**Инновация янгиликлари**

## ҲИНДИСТОННИНГ САХИЙ ҚУЁШИ

Ҳиндистоннинг қуёш энергияси саноатини ривожлантиришга қаратилган сиёсати уни бу соҳадаги энг йирик бозорга айлантириши мумкин.

Мамлакат ғарбидаги Гужарат штатида мана бир йилдирки, уйларда чироқ электр энергиясидан эмас, қуёш қувватидан ёнади. Далаларга ўрнатилган минглаб қуёш батареялари тинимсиз ишлаб турибди.

Чаранка қишлоғи яқинида Осиёдаги энг йирик қуёш энергияси парки жойлашган. Унга ўтган йил апрелида ўндан зиёд халқаро компания асос солган эди. Мақсад — кунига 214 мегаватт энергия ишлаб чиқариш. Ўшандан буён мамлакатнинг турли қисмларида қуёш батареялари ўрнатила бошланди. Ваҳоланки, бундан бор-йўғи уч йил аввал Ҳиндистонда қуёш энергияси ишлаб чиқарилмасди.

Деҳлидаги Энергия ва манбалар институти ходими Амит Кумарнинг айтишича, қуёш энергияси арзонлашмоқда, демак, бу манбадан фойдаланиш янада кўпаяверади.

— Бир йил ичида 1500 мегаватт энергия ишлаб чиқара бошладик. Бу катта ютуқ. Нархлар ҳам пасаймоқда. Қуёш қувватининг нархи оддий энергия манбалари билан бир даражада бўлиши керак, биз бунга 2017 йилга бориб эришмоқчимиз, — дейди Кумар.

Дунёнинг кўпгина мамлакатлари каби Ҳиндистонда ҳам газ ва нефть асосий ёнилғи манбалари саналади. Бироқ у ерда ҳукумат қуёш энергияси соҳасини ҳам ривожлантиришга бел боғлаган. 2022 йилга бориб мамлакатда бу йўналишда камида 20 минг мегаватт энергия ишлаб чиқарилади, дейишмоқда мутахассислар.



Бош вазир Манмохан Сингх тоза энергияга бағишланган анжуманда халқаро компанияларни Ҳиндистонни қуёш энергияси марказига айлантиришга ундади.

Мамлакатда қарийб 400 миллион одам оддийгина чироқсиз кун кечиради. Демак, янги манбаларга эҳтиёж катталиги шубҳасиз. Халқаро компаниялар ҳам буни яхши билишади, шу сабабдан қуёш энергияси саноатида ўрин эгаллашга шошилишмоқда.

Айрим корхоналар ҳукуматнинг энергияни имтиёзли нархда сотиб олиш ваъдаларига қизиқиб, қуёш қувватини ишлаб чиқарадиган парклар очаётган бўлса, бошқалар алоҳида қишлоқлар учун кичик системалар ишлаб чиқармоқда. Бангалор шаҳридаги СЕЛСО компанияси шундай стратегияни танлади. У ишлаб чиқарган қуёш энергияси системаларида нафақат чироқ ёнади, балки телевизор, вентиляторлар, уяли телефон ва тикув машиналари ҳам ишлайди.

Ҳиндистоннинг каттагина қисми тропик ҳудудда жойлашган. Деярли ҳар куни офтоб чиқади. Демак, агар ҳукумат ҳозирги сиёсатини давом эттирса, бу мамлакат яқин келажакда қуёш энергиясининг маркази ва бозорига айланиши мумкин, дейишмоқда таҳлилчилар.

## ОҚҚОН ХАСТАЛИГИ ЕНГИЛАЯПТИ

Иқтисодий инқироз оқибатида АҚШ федерал бюджетининг сезиларли даражада қисқариши кўплаб соҳалар қаторида биологик-тиббий тадқиқотларга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу пайттача даво топилмаган хасталикларга қарши янги препаратларни синаб кўриш анча маблағ талаб қилиши шубҳасиз. Пулни асосан давлат томонидан молияланувчи Саломатлик миллий институти ажратади. Лекин хусусий сектор ҳам бунда катта роль ўйнайди. Лейкоз, яъни оққон касаллигини даволашда айнан хусусий жамғармаларининг ёрдами катта бўлди.



Бу касалликка чалиниб, даволанган Жим Девис ўн йил олдин ташхис қўйилганида тамом, ўлдим, деб ўйлаган эди. Лекин янгича тиббий муолажа унинг ҳаётини сақлаб қолди.

Гливек номли янги дори бу борада жуда катта ижобий ўзгаришларга олиб келди. Илгари оққонга чалинганларнинг 15 фоизи омон қоларди. Бугунги кунда эса эса ҳар куни дори истеъмол қилиб юрган бемор узоқ яшайди.

Лейкоз ва лимфома жамияти раиси Жим Девис ҳар йили март ойида ҳомийлардан маблағ йиғиш учун катта тадбир ўтказади ва одатда уч миллион доллар атрофида тўпланган пулнинг ҳаммасини тадқиқотларга сарфлайди.

Изланишлар самара бераётгани шубҳасиз. Девис Лейкоз жамияти қўллаб-қувватлаган изланиш оқибатида ўткир лимфобластик лейкемияга даво топилганини айтади. Олти ёшли Эмма бу касалга чалинган эди. Америка киноакадемиясининг "Оскар" мукофотини олган режиссёр Росс Кауффман қизча ҳақида ҳужжатли фильм ишлади. Пенсильвания университети олимлари яратган препарат эксперимент тариқасида Эмма ва яна 10 нафар беморга берилган.

## ЭГИЛУВЧАН ДИСПЛЕЙЛИ ЯНГИ ТЕЛЕВИЗОРЛАР

Жанубий Кореянинг LG Electronics компанияси дунёда биринчи бўлиб эгилувчан OLED-дисплейли телевизорлар моделини сотувга чиқаришини эълон қилди. Мутахассисларнинг фикрича, эгилиш хусусияти туфайли экран юзасининг барча қисми уни томоша қилиб ўтирган инсон кўзидан бир хил узоқликдаги масофада жойлашади.

OLED деб номланаётган органик ёруғлик диодларини телевизорга ўрнатиш орқали инновацион технологиялардан фойдаланиш анча юпқа ва эгилувчан экранларни ишлаб чиқариш имконини беради. Янги маҳсулотнинг илк сотувлари дастлаб Жанубий Кореяда ўтказилади.



Экранининг диаметри 140 см. бўлган OLED LG 55EA9800 маркали эгилувчан бу янги телевизорнинг нархи 13,5 минг доллар этиб белгиланди. Дисплейининг қалинлиги бор-йўғи 5 мм. бўлиб, телевизорнинг умумий оғирлиги 17 килограммни ташкил этади холос.

"Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун беш йилдан ортиқ илмий изланишлар олиб боришга тўғри келди, — дейишмоқда LG Electronics мутахассислари. — Экран эгилувчанлигини оптималлаштириш натижасида унинг ҳар бир бурчаги томошабиндан бир хил масофада бўлиши тасвирнинг баъзи жойлари хиралашиб кўринишининг олдини олади."

LG билан бир қаторда яна бир электрон гигант Samsung январь ойида мана шундай эгилувчан экранга бироз ўхшаш телевизорларни намойиш этган. Рақобатчилар янги моделни сотувга чиқариш ҳақида бир тўхтамга келишмаяпти, бироқ LG Electronics бозорга биринчи бўлиб ўз маҳсулотларини олиб чиқадиган бўлди.

**9 май — Хотира ва қадрлаш куни**

Ёшим тўқсондан ошиб юз сари одимлаётганимдан, халқимизнинг энг буюк, азалий орзу-армонлари ушалган, мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритиб, ҳур, озод ва обод юртда яшаётганлигим билан фахрланаман.

# Ғамхўрликдан мамнунман

Мустақилликнинг ҳаётбахш мевалари минглаб кекса авлод вакиллари каби мен учун ҳам бебаҳо ва тотлидир. Шундай буюк жасоратга қўл уриб, юртимизнинг тинчлиги, осойишталигини таъминлашга, миллатимизнинг қадр-қимматини ҳимоя қилишга куч топган Юртбошимизга ҳар қанча миннатдорлик билдирсак ҳам кам.

Истиқлол йилларида муҳтарам Президентимиз биз кексаларни улуғлаб, уйининг тўрига ўтказиб қуйишдек марҳамат кўрсатишларининг ўзи ҳам бизга ишонч бағишлайди. Куни кеча давлатимиз раҳбарининг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларини рағбатлантириш тўғрисидаги Фармонини эшитиб, янада мамнун бўлдим. Албатта, бизнинг ҳар биримизга ярим миллион сўмдан пул мукофоти белгиланганининг ўзиёқ доимий эътиборда эканимизни кўрсатиб турибди. Айни пайтда биз кексалар учун давлатимиз, юртимиз раҳбари ғамхўрлигининг ўзи беқиёс бойликдир.

**Тоштемир бобо ТОВБАЕВ,**
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси,
*Нурота тумани.*

# Эл ардоғида



Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат

Бухоролик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Аҳмад ота Мухсинов фарзандлари ардоғида кексалик гаштини суриб яшаётган нуронийлардан. Отахон фашизм устидан қозонилган ғалабадан сўнг ички ишлар соҳасида масъулиятли лавозимларда самарали меҳнат қилди.

— Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга, қадр-қимматини улуғлашга қаратилгандир, бу истиқлолдан баҳра олаётган осуда ва фаровон ҳаётимизда ўзининг яққол ифодасини топмоқда, — дейди А.Мухсинов ёшлар билан учрашувларда, суҳбатларда.

**Суратда:** *бухоролик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Аҳмад ота Мухсинов ёшлар билан.*

**ADOLAT**
ижтимоий-сиёсий газета

**Муассис:** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:** Абдували САЙБНАЗАРОВ

**Бўлимлар:** Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — ***288-46-54*** (149); Ахборот, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — ***288-46-64*** (146); Маънавият ва маданият бўлими ***288-46-64*** (151), Қабулхона — ***288-42-23***; ***288-46-64*** (141) факс; Котибият — ***288-46-64*** (144).

**Навбатчи муҳаррир** — А.ЙЎЛДОШЕВ. **Навбатчи** — И.САХАТОВ

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*
**info@adolatgzt.uz**
**adolat_gazeta@mail.ru**

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.*

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

ISSN 2091-5217

9 772091 521009 >

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 500. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 12447
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 23.45
1 2 4 5

# Зулайҳо БОЙХОНОВА: "Адолат"ни бежиз танламадим"

**Таҳририят меҳмони**

Яқинда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида таниқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Зулайҳо Бойхоновага партия билети тантанали равишда топширилди. Партиямизнинг янги аъзоси билан суҳбатимиз унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти мавзуларида бўлди.



Ⓕ Ҳусан АСРОРОВ

***— Ҳар бир инсоннинг унутилмас дақиқалари унинг болалик дамларига тўғри келади. Сизнинг болалигингиз қандай кечган?***

— Болалик шундай паллаки, унда бирон бир ташвиш, ғубор бўлмайди инсонда. Болалигимни ёдга олар эканман, авваламбор, кўз ўнгимда онам, уларнинг қулоғим остида айтган аллалари намоён бўлади. Назаримда, аллада ҳар бир аёл, онанинг дарди-қувончи яширинган бўлади. Онамнинг ҳаёт ташвишлари акс этган алла, хонишлари ҳанузгача қулоғим остида жаранглайди. Улар нафақат менга, балки менинг фарзандларимга ҳам алла айтганлар. Хонадонимизга доимо дўст-ёрлар, қариндош-уруғлар меҳмонга келишган. Айниқса, маҳалладаги қўни-қўшнилар чиқишиб, онам билан кашталар тикишлари, ўсмалар суриб, баъзан чақ-чақлашиб, қаҳқаҳа отиб кулишларию, баъзан ҳасратлашишгани, биз ёшлар уларга баҳор пайтлари кўк сомса, чучваралар учун ялпизлар териб келишларимиз ҳеч ҳам ёдимдан кетмаса керак.

Ота-онамнинг узоқ кутган тўнғич фарзанди бўлганлигим сабабли менга кўрсатилган меҳр ҳам, талаб даражаси ҳам ўзгача эди. Мени еру кўкка ишонмай, катта қилишган бўлса-да, ҳеч қачон талтайтиришмаган. Оиламизда тўрт қиз, икки ўғил бўлган бўлса, уй-рўзғор юмушларини бажаришда кундалик тақсимлаб олишга одатлангандик. Айнан оиламдаги муҳит мени тартиб-интизомга, қилаётган ҳар бир ишимга масъулият билан ёндашишга, меҳнат қилишдан тўхтамай, чарчамай ишлашга ўргатди десам, муболаға бўлмайди.

Фурсатдан фойдаланиб, айтишим керакки, қишлоқнинг гаштини шаҳарга келиб ҳис қилдим. У ерларнинг табиати, суви, кенг майдони мени бир умр қишлоғимизга талпинтиради. Айни пайтда ҳозирги қишлоқлар аввалгиларидан буткул фарқ қилишини, у ерларда ҳам ҳукуматимиз ташаббуси билан шаҳардан кам бўлмаган шарт-шароитлар яратилаётгани кишини қувонтиради.

Санъатга қандай кириб келганимга келсак, мактабда таълим олаётган пайтларимда турли хил мусиқали-бадиий танловларда иштирок этганман. Устозларим менга Маннон Уйғур номидаги театр ва рассомчилик институтида ўқишни тавсия этишган ва ушбу олийгоҳнинг "Мусиқали драма факультети"да талаба бўлишга муяссар бўлганман. Гарчи дастлаб онам менинг бошқа шаҳарда ўқишимга қаршилик кўрсатган бўлса-да, оиламиз таянчи, санъатсевар отажоним менга оқ фотиҳа бериб, пойтахтга кузатгандилар.

***— Яқинда мамлакатимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни кенг миқёсда нишонланади. Сиз одатда кимларни ва қайси пайт хотирлашга одатлангансиз?***

— Албатта, табиийки биринчи навбатда қувончли ва ғамгин кунларда энг азиз ҳамда мўътабар инсонларим — марҳум ота-онамни ёдга оламан.

Қолаверса, халқимизда устоз отангдай улуғ деган пурҳикмат гап бўлганидек, устозларимни кўпроқ эслаб тураман. Хусусан, кўплаб истеъдодли санъаткорларга сабоқ берган устозларимдан Асад Азимов, Орифхон Ҳотамов, Ҳабиба Охунова, Лутфихоним Саримсоқова, Раззоқ Ҳамроев, Ҳамза Умаров, Шуҳрат Расулов ва бошқа шу сингари санъат дарғаларини нафақат хотира байрамларида, балки ижодий фаолиятим жараёнида мунтазам ёдга оламан. Сабаби, айнан шу инсонларнинг фикри, хулосаси мен учун жуда муҳим бўлиб келган ва нафақат менинг, балки ҳар бир шогирдининг ижодига холисона баҳо берадиган буюк инсонлар эди.

***— Бугунги кунда мусиқа санъатининг кўзга кўринган намоёндаси сифатида танилишингиздан аввалроқ сизни Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрида турфа қаҳрамонларни талқин этган актриса сифатида яхши биламиз. Умуман шу театрда қилган меҳнатингиз туфайли халқимизнинг меҳрини қозонгансиз. Зулайҳо Бойхонова истеъдодли актрисами ёки санъатнинг мусиқа турида фаолият юритаётган иқтидорли қўшиқчи-санъаткорми?***

— Театр ҳеч қачон ўзининг тарбиявий-маънавий аҳамиятини йўқотмайдиган, томошабинларни юксак даража ва савияда фикрлашга ундовчи маскан бўлиб келган ва худди шундай давом этади, деб ҳисоблайман.

Юртимиздаги театр санъатининг тарихига тўхталадиган бўлсак, унга асос солган аждодларимиз — Беҳбудий, Ҳамза, Чўлпон, Абдулла Авлоний сингари маърифатпарвар алломаларнинг ўша вақтларда чеккан заҳмати ва меҳнатини ёдга олмасдан бўлмайди.

1943 йил Муқимий номидаги мусиқа театри ташкил этилган бўлиб, шу давр мобайнида 400 га яқин асарлар саҳна юзини кўрган. Мен учун катта ҳаёт мактабини ўтаган ушбу театрда қўйилган саҳна асарлари орқали китоб мутолаа қилишга одатландим, сўз қудрати, уларнинг мен ҳали илғаган ва илғамаган хусусиятини англаб етдим. Фароғат Раҳматова, Файзулла Аҳмедов, Рустам Маъдиев, Марям Ихтиёрова, Боир Холмирзаев, Наима Пўлатова, Рустам Бобохонов, Суръат Пўлатов каби эл суйган санъаткорлар билан ишлаш бахтига мушарраф бўлдим. Театрда саҳналаштирилган асарларни хорижий мамлакатларда намойиш қилишга, миллий санъатимизни жаҳонга озми-кўпми танитишга ҳиссам қўшилганидан бахтиёрман. Театрда кечган умримга ачинмайман ва мен доимо хонанда эмас, авваламбор, актриса эканлигимни ёдимдан чиқармайман.

Айни пайтда менга "актрисалигингиз яхши эди" ёки аксинча "яхши қилдингиз қўшиқчи сифатида фаолият юритиб" деган хулосаларни билдириб қолишади. Шу гапларга жавобан айтишим мумкинки, тақдирда битилгани бўлади, қайси пайт театрда ижод қилишим ёки қилмаслигим ёки қачондан мустақил қўшиқ ижро этишим — буларнинг барчаси насибага қараб бўлади, деб ҳисоблайман.

***— Яқинда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясига аъзоси бўлдингиз. Нима учун айнан шу партияни танладингиз?***

— Албатта, ижтимоий-сиёсий ҳаётдан узоқ бўлмаган фуқаро сифатида барча партиялар дастурлари, уларнинг фаолияти билан танишиб бораман. Бошқа сиёсий партияларнинг ҳам илгари сурган ғояларига эътирозим йўқ, ҳаммасининг ҳам асл мақсади халқ фаровонлигини яхшилаш ва мамлакатимиз жаҳоннинг ҳеч қайси давлатидан кам эмаслигини амалда исботлаш, бироқ "Адолат"нинг энг диққатимни тортган бир жиҳати — унинг жамиятда хотин-қизларнинг ўрни, нуфузини, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ва тиббий савиясини оширишга қаратган саъй-ҳаракатидир.

Маълумки, оилада аёл, она ва рафиқанинг ўрни беқиёс. Ҳамонки, оила — жамиятнинг ажралмас ва асосий бўғини экан, ўз-ўзидан хотин-қизларнинг қадр-қиммати баланд бўлиши керак. Бунинг учун эса аёллар саводли, илмли, маданиятли ва шу каби қатор хусусиятларга эга инсонлар бўлиши керак бўлади. Сабаби ҳурматни фақат қозониш мумкин, лекин уни талаб қилиб бўлмайди. Айнан "Адолат" социал-демократик партияси илгари сураётган ғоялар замирида ҳам айнан шундай эҳтиромга сазовор аёлларимизнинг сафини кенгайтириш мақсади ётибди, деб ҳисобладим.

Бундан ташқари, қонун устуворлиги таъминланиши, ҳар қандай вазиятда ҳам жамиятда адолат ўрнатилишига ҳисса қўшишга эришаётган партияга аъзо бўлмай бўладими?

***— Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керак, "Адолат" СДП доирасида партия қошидаги "Аёллар қаноти" Кенгаши ташаббуси билан ўз сафидаги фаол, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан етук, ташаббускор хотин-қизларни саралаб олиш мақсадида ўтган 2012 йил "Оқила аёл — мустаҳкам оила яратувчиси" кўрик-танлови ўтказилган эди. Бу йил ҳам ушбу анъананинг узвий давоми сифатида партиянинг "Оқила аёли — 2013" республика кўрик-танлови ўтказилиши белгиланмоқда. Сизнингча, оқила аёл ким?***

— Оқила аёл деганда ўз номи билан ақлли, доно ва узоқни кўриб иш тутадиган аёлни тушунаман. Албатта, бугунги кун талаби хотин-қизларимиздан нафақат оила ташвишларини ҳал этиш, фарзанд тарбияси билан шуғулланиш, балки улардан давлат, ҳукумат миқёсидаги муҳим вазифалар юзасидан таҳлилий фикрлаш ва ишлашни тақозо этмоқда.

Оқила аёл бир пайтнинг ўзида ички ва ташқи гўзаллигини бойитиши, аёллик нафосатини сақлаб қолиши, мамлакатимиз ва жаҳон тарихидан хабардор бўлиши, бугунги ислоҳотлар моҳиятини тўлиқ англаб етиши ва уларни амалга оширишда ўз дахлдорлигини ҳис қилиши ҳамда келажакка замин ярата оладиган билим-салоҳиятга эга бўлиши керак. Амалдаги қонунчилик, уларга киритилаётган ўзгаришлар ҳам ижтимоий-сиёсий етук аёлларнинг назаридан четда қолмаслиги керак.

Қисқа қилиб айтганда, оқила аёл оила ва жамиятда ўз мавқеига эга, шундай даражага етишишга куч ва салоҳият топа олган аёл деб ҳисоблайман ва ишончим комилки, партия сафида бу сингари хусусиятларга эга иқтидорли, малакали, обрўли аёллар кўпчиликни ташкил қилади ҳамда келгусида ҳар қандай танловларда ўзларини тўлиқ намоён эта олишади.

***— Маълумки, ўсиб келаётган ўсмир йигит-қизлар том маънода мустақил шахс сифатида шакллангунига қадар бир неча босқичли жараёнларни ўз бошидан кечиради. Ана шу босқичларнинг бирида мусиқа, кино ва шу каби санъат турларига нисбатан диди, кўникмаси юзага келади. Табиийки, шундай вақтда, оммавий ахборот воситалари орқали танилган санъат вакил-вакилаларига ҳавас қилиб, уларга ўхшашни истайдиганлар ҳам талайгина. Аммо негадир сўнгги пайтларда айнан қўшиқчилик санъати ёшларга ўрнак бериш вазифасини бажармаётгандек…***

***Айтинг-чи, сиз қўшиқ яратилиши ва уни халққа тақдим этишда нималарга эътибор қаратасиз?***

— Ҳозир айнан биз фаолият юритаётган қўшиқчилик санъатига тўхталадиган бўлсак, бугунги баъзи ёш санъаткорларнинг ташқи кўринишидаги камчиликлар, қўшиқларидаги саёзлик соҳа мутахассислари ва кенг жамоатчилик томонидан кўп бора танқид қилинмоқда. Лекин шу ўринда бугунги кунда ёшларимиз орасида мустақил фикрловчи, ўз нуқтаи назарини она тилидан ташқари, чет тилларида бурро-бурро билдираёганлари ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Улар ҳар қандай хуружга қарши ўзининг позициясини кўрсата олади.

Санъаткорларга келсак, ўйлайманки, бобо-момоларимиз, аждодларимиз қолдирган маънавий меросга монанд юксак савияда ижод қиладиган санъаткорларимиз кўпайиб боради. Зеро, эл ичида юриб, унинг нон-тузини еб-ичиб, албатта, энг аввало, санъаткор ўзини ва уни севиб тинглайдиган томошабинини ҳурмат қила билиши керак.

Мен ижодда оддийлик, табиийлик ва самимийлик тамойилида ишлаш, очиқ-ойдин севдим-куйдим мазмунидаги шеърлардан фойдаланмаслик тарафдориман. Устозим, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов билан биргаликда, энг аввало, шеърнинг маъносига, унинг тагпардалилигига эътибор қаратишга ҳаракат қиламиз.

Суҳбатимиз сўнггида биз, санъаткорларни доимо ўз олқиш, ҳурматлари билан қарши олувчи санъатсевар мухлисларимга миннатдорчилик билдираман. Халқимиз, уларнинг олқишлари бор экан, биз санъаткорлар меҳнат қилишдан ҳормаймиз.

**Саодат СОДИҚОВА**
**суҳбатлашди.**

Reklama

**Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ "ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ" МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ФАРҒОНА АЭРОПОРТИ ДУК ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:
**"Фарғона шаҳридаги Фарғона аэропортининг 1 ва 2 қаватларини қайта режалаштириш ва йўловчилар терминалининг фасадини реконструкция ишлари"**

*Муддати* — **25.12.2013 йил.**

*Бошланғич нархи* **9 342 861 300 сўм ҚҚС билан; 7 785 717 750 сўм ҚҚСсиз.**

Буюртмачи: **Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси Фарғона аэропорти ДУК**

Манзил: *Фарғона шаҳар, Аэропорт кўчаси 16-уй, тел.(373) 226-23-76; 226-54-61.*

Қурилиш ишлари: **Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси шахсий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:

ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

*Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37 уй, телефон/факс: 224-18-71*

**Танлов ҳужжатларининг бир тўплами нархи — 63 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда офертaларни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Аэропорт кўчаси 16-уй* манзилда ўтказилади.